

Одамлар қалбига йўл топиб

Муносабат


Инсон кўнгли гулдай нозик дейишади. Базан элинг, юртинг ҳақида айтилган бир оғиз сўз, меҳнатингга берилган баҳо кўнглингни тоғдек кўтариб юборади, шу элга, шу юртга фарзандлигин билан фахрланасан. Одамлар ҳаётида, жамиятда юз бераётган ўзгаришларга оз бўлсада ҳисса қўшаётганинг, амалга ошириладиган бунёдкорлик ишларига дахлдорлигиндан чексиз ифтихор туясан.

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқини тинглар эканман, шу меҳнаткаш юртга, Президентимиз сўзлари билан айтганда, бағри дарё, бекиёс ўлкага фарзандлигимдан, тинч-тотув, аҳил-иноқ Ўзбекистонда яшаётганимдан беҳад гурурланиб кетдим. Бу ёруғ дунёда энг катта бойлик бу — эл-юртнинг тинчлиги, одамлар орасидаги меҳр-оқибат, ҳурмат-эҳтиром десам, янглишмаган бўламан. Бугун мустақил, озод ва обод, ўзи танлаган йўлидан буюк келажак сари дадил одимлаётган Ўзбекистонга, вилоятларимизга, қиёфаси кун сайин, ой сайин ўзгариб бораётган шаҳар ва қишлоқларимизга дунёнинг ҳаваси келиб турибди. Буни Қашқадарё мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бу ерда кейинги йилларда юз берган ўзгаришлар наинки хорижлик сайёҳлари, ўзимизни ҳам ҳайратга солади. Собик тузум шароитида бугунги улкан қурилишларни, кенг қамровли бунёдкорлик ишларини, оддий меҳнат кишилари, айниқса, ёшлар учун яратилаётган ижтимоий, маданий-маиший шароит ва имкониятларни ҳатто тасаввур қилиш мумкин эмасди. Биргина Қарши шаҳрини олсак, вилоят маркази истиқлол йилларида деярли қайта қурилди, қурилганда ҳам дид-фаросат билан, узоқни кўзлаб, замонавий архитектура ва шаҳарсозлик илми ютуқларидан унумли фойдаланган ҳолда, муҳтарам Юртбошимизнинг маслаҳатлари

асосида қурилди ва қурилиш ишлари бугун ҳам давом этмоқда. Қарши шаҳрини янада кўркам ва обод қилиш, замонавий, ҳаммининг ҳавасини келтирадиган марказга айлантириш учун ҳукуматимиз томонидан 2030 йилгача мўлжалланган бош режа ишлаб чиқилган, шаҳар инфратузилмасини жиддий реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича қарор ва махсус дастур қабул қилинган. Дастурда шаҳар ҳудудини қарийб икки баробар кенгайтириш, эски бинолар ўрнида икки қаватли замонавий уй-жой комплексларини қуриш, бунинг учун жами 1 триллион сўм маблағ йўналтириш кўзда тутилган. Янада қувонарлиси, халқимиз, мамлакатимиз тарихи, бой ўтмишимиз, маданий-маънавий меросимиз билан бевосита боғлиқ бўлган қадимий Кеш — Шахрисабзда ҳам бунёдкорлик ишлари давом эттирилади. Бу юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-тотувликнинг, амалга ошириладиган ислохотларнинг, янада фаровон келажакимизга бўлган қатъий ишончимизнинг самарасидир.

Қашқадарё мамлакатимизнинг иқтисодий жиҳатдан бақувват, имкониятлари кенг, халқи гурурли, ориятли вилоятларидан бири. Бу ерда юртимизда етиштирилаётган жами дон ва пахта ҳосилининг 12 фоизи одамларнинг фидо-корона меҳнати, ер илмини чуқур ўзлаштиргани, касбига садоқати боис етиштирилади.



Орзулар рўёби

Мукофот муборак!

Ўқитувчи ва мураббийлар куни Тўрақўрғон қишлоқ хўжалиги коллежи жамоаси учун қувончли келди. Устозлар байрами арафасида бу ерда ажойиб хушxabар тарқалди. Коллежнинг махсус фанлар ўқитувчиси Сайдулла Мансуров Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан биноан давлатимизнинг юксак мукофоти — “Шўхрат” медали билан тақдирланибди.

Тажрибали муаллим бу мукофотга таълим тизимини замонавий асосда такомиллаштириш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ғояга садоқат руҳида баркамол этиб тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси, кўп йиллик фидоқорона ишматлари ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун сазовор бўлди.

— Юртбошимизнинг “Биз сиз, азизлар — мактаб, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртимизда, умуман, таълим соҳасида меҳнат қилаётган юз минглаб ўқитувчи ва мураббийлар, домлалар тимсолида эл-юртимизнинг келажакга, ҳаёт-мамлатини ҳал қилувчи таълим ва тарбия соҳасига баминосили жон бағишлаётган қудратли кучни кўрамыз ва юксак баҳолаймиз” — дея Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийла-

рига йўллаган табриклари бизни янада масъулият билан ишлашга даъват этади.

Президентимизнинг биз, ўқитувчиларга кўрсатаётган улкан меҳр ва эътиборидан кўнглимиз тоғдек ўсиб, қалбимиз чексиз фахрга тўлмоқда, — дейди С.Мансуров. — Жаҳон аҳлининг ҳавасини тортаётган кенг имтиёз ва имкониятлар, ёшлар таълим-тарбиясига қаратиладиган улкан эътибор юртимиз келажакга бўлган ёш авлод тарбияси учун масъулиятни астойдил ҳис этишга, билдирилган юксак ишончни ҳалол меҳнатимиз билан оқлашга, унга муносиб бўлишга даъват этади. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг Фармони билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнани кўрсатган ходимлар Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланиши, кўрсатиладиган эъзоз, бундай эътибор ва иззат ўқитувчи ва мураббийларни янада илҳомлантириб, уларни самарали меҳнат қилишларига ўзининг ижобий таъсири кўрсатади.

Коллеж директори Муҳаммадмурод Набиевни бир гуруҳ одамлар даврасида учратдик. Ўзимизни таништиришимиз билан у киши масалани тушунди...

Коллежнинг кенг ва ёруғ синф хоналари, замонавий ускуналар билан жиҳозланган лабораториялар. Бу ерда қишлоқ хўжалиги учун трактор машинистлари, пайвандчилар, электриклар ва бошқа касблар бўйича мутахассислар тайёрланаркан. Айни пайтда 1400 нафарга яқин йигит-қиз таълим олмоқда. Хар йили юзлаб ёшлар коллеж дипломини олган, вилоятнинг деярли барча туманларидаги фермер хўжалиқларига ишга борадилар. Битирувчиларнинг касб малакаси, билим даражаси жуда юқори. Шунинг учун ҳамма ўз вақтида иш билан таъминланмоқда.



Ватанимиз тараққиётининг мустақкам ҳуқуқий асоси



8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов таъкидлаганидек, истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг, бугунги тинч ва осуда ҳаётимизнинг, эртанги кунимизга бўлган ишончимизнинг, халқаро майдонда ортиб бораётган обрў-эътиборимизнинг негизига Конституциямизда белгилаб берилган қонуний ва ҳуқуқий асослар тургани ҳамда уларни оғишмай ҳаётга татбиқ этаётганимиз мужассамдир.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА муҳбирининг Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари Анвар УСМОНОВ билан суҳбатни Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган меъёрларнинг амалдаги ифодаси, шу асосда яратилган ва яратилаётган қонун ҳужжатларининг жамиятимиз ҳаётидаги аҳамияти ҳақида бўлди.

— Аввало, таъкидлаш жоизки, дунё харитасида Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлиши, яъни мамлакатимиз давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши ўз-ўзидан бўлмаган. Бу улкан тарихий воқеанинг замирида халқимизнинг асрий орзу-умидлари, хоҳиш-иродаси, Президентимиз Ислон Каримовнинг мислсиз жасорати, ўз вақтида қабул қилинган тўғри қарорлар муҳим омил бўлганини бугун халқаро ҳамжамият ҳам кенг эътироф этган ҳақиқатдир, — дейди А.Усмонов. — Эришилган бу тарихий ғалабани, яъни мустақилликни сақлаб қолиш ва изчиллик билан мустақкам-

лаш, миллий давлатчилигимизни янгидан шакллантириш янада мураккаброқ кечгани сир эмас. Боиси собиқ тузумдан бизга таназзулга юз тутган иқтисодий мерос қолган, аксарият одамларнинг эртанги кунга ишончи йўқолган эди. Ана шундай мураккаб шароитда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати, тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун зарур бўлган омилларга йўл очувчи қонуний асослар яратилиши жуда муҳим ва долзарб эди. Президентимиз раҳбарлигида турли соҳа олим ва мутахассисларининг сая-ҳаракати, изланишлари, хорижий тажрибани чу-

қур таҳлил этиш асосида ҳар томонлама пухта, ихчам, халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган Конституциямиз яратилди. Мазкур Асосий қонун улкан тарихий аҳамиятга эга ноёб ҳужжат бўлиб, унда суверен давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим асослари, инсон ҳуқуқларига, демократия ва ижтимоий адолатга садоқат, фуқаролар тинчлиги ҳамда миллатлараро тотувлики таъминлашга оид тамойиллар мустақкам ўрин олган.



Сизга таъзимдамыз, азиз устозлар!

Тадбир

Юртимизда таълим тизимига қаратиладиган эътибор фарзандлар камоли, етук ва замонавий билимларни эгаллаган бугунги кун ёшлари эришаётган муваффақиятларда акс этмоқда. Шубҳасиз, бунинг замирида ўқитувчи ва устозларимизнинг улкан ва машаққатли меҳнати ётганини эътироф этиш жоиз. Барча касблар ичида ўқитувчилик алоҳида аҳамиятга эга.

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан “Сизга таъзимдамыз, азиз устозлар!” номли байрам тадбири ташкил этилди.



«ОБУНА — 2014»
Қадрли юртдошлар!
Азиз муштарийлар!

“Adolat” газетаси — маънавийимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир.

2014 йил учун обуна бошланди.
Обуна бўлинг!
“Adolat”нинг нашр индекси — 100
“Adolat” ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!

Иқтисодиёт

Маҳсулот ўзимизники, Ўзбекистонники

Бу корхона ҳақида дастлаб матбуотда босилган бир мақола орқали хабар топган эдим. Унда жумладан куйдагилар ёзилганди: “Норин туманидаги 55 та маҳалла фуқаролар йиғинлари посбонлари сардорларига велосипедлар тантанали вазиятда топширилди. Дарвоқе, икки гилдиракли “дастёр”ларни узокдан келтиришгани йўқ. Уларни туман маркази — Ҳаққулободдаги “Norin mechanical plant” корхонаси жамоаси етказиб берди. Бу ерда хорижий технология асосида шу йил бошида беш турдаги катталар ва болалар велосипедларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилган эди”.



Ҳаққулобод велосипедлари

Икки гилдиракли бу транспорт воситасидан фойдаланмаган киши бўлмаса керак. У бошқаришга жуда қулай. Узунгингани яқин қилади, айниқса, қисқа масофаларга бориб келишда жуда асқотади. Анчамунча юкни ташишда ҳам қўл келади. Боз устига саломатликка ҳам ўта фойда. Лекин мамлакатимиз мустақилликка эришгунга қадар велосипедлар бизда ишлаб чиқарилмаган.

Ўқоридаги хабар баҳона Норин туманидаги мазкур корхонани кўргани бордик. Бизга “Адолат” партияси фахрийси, Учтепа қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Нўмонжон Нишонов ҳамроҳлик қилди. Ота-хон ҳозир олтишини қоралаб кўйди. Собиқ тузум даврини ҳам яхши эслайди. Унинг куйдаги сўзлари хотирамга михланиб қолди.

— Илгари бир нарсага ҳайрон бўлардим, — дейди у. — Бизда игна ишлаб чиқаришнинг ҳам имконияти йўқ эди. Мана энди, истиқлол тўфайли ҳаётимизда кўп нарса ўзгарди. Мамлакатимизда ҳатто автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда, бошқа давлатларга жўнатишмоқда. Улар ўз фарзандларимиз, ўзбек йигит-қизлари меҳнати билан дунёга келаятганлиги, айниқса, киши қалбини ифтихор ва қувонч туйғуларига тўлдирди.

Оқсоқолнинг гапларида жон бор. Мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат тўфайли ижтимоий-иқтисодий тараққиётда янги-янги марра-

лар эгалланмоқда. Норин тумани маркази — Ҳаққулобод шаҳрида иш бошлаган ушбу корхона ҳам бунга далил бўла олади. Кенг ва ёруғ цехлар, ўзига ярашган коржомо кийиб



турли хил дастгоҳларни бошқараётган ёшларни кўриб, ҳавасингиз келади. Меҳнатларидан мамнун эканликларини шундоқгина юз-кўзларидан билганиб турибди. Уларнинг аксарияти тумандаги касб-хунар коллежларида чилангар, токар, пайвандчи каби касбларини эгаллаб, сўнгра бу ерга қадам қўйганлар.

Ана шу йигитлардан бири Марат Назиров. У — велосипед йиғувчи. Мана шу жараёни ипидан игнасигача пухта ўрганган. Ишини кузатсангиз, чапдастлигига тан берасиз. Топшириқларни ҳамisha ошириб бажаришга одатланган.

Сифат ҳам аъло даражада. Техника назорати бўлими доим у бажарадиган ишга юқори баҳо беради.

— Болалгимдан техникага жуда кизиқардим, — дейди

тенг ярмини “Асакабанк” орқали олинган кредит ташкил этди. Технология ва ускуналар Хитой Халқ Республикасидан келтирилди. Маҳаллий ёшлар қисқа муддатда хорижий мутахассислар раҳбарлигида уларни бошқаришни ўрганиб олдилар. Шу йил бошидан эса маҳсулотнинг дастлабки туркуми савдо тармоқларига жўнатила бошланди. Кўркам ва шинам, нархи ҳамёнбоплиги учун беш хил катталар ва болалар велосипедлари ўз харидорини топмоқда. Утган давр мобайнида бозорнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш ҳам доимий одатга айланди. Шу асосда келажакда технология янада такомиллаштирилиши, велосипедлар тури ва дизайни ўзгартириб борилади.

— Дастлаб янги маҳсулот чиқаришни ўзлаштирганимизда велосипед бутловчи қисмларининг асосий қисми Хитойдан келтирилди, — дейди кўшма корхона директорининг ўринбосари Иқбол Иномжонов. — Ўша пайтдаёқ маҳаллийлаштириш дастури бўйича ҳам иш бошлаганимиз. Масалан, бу йил бутловчи қисмларнинг ўттиз бир фоизи мамлакатимизда тайёрланишига эришамиз. Келгуси йилдаги мартга эса ўттиз саккиз фоиз. 2015 йилга бориб эса бу кўрсаткични олтимиш фоизга етказиш кўзда тутилган.

Корхона бу йил савдо шохбчаларига ўттиз беш миң донга велосипед етказиб беради. Ишлаб чиқаришнинг лойиҳа қуввати тўла ўзлаштирилган эса бу кўрсаткич элик мияг донга етади. Шунга яраша иш ўринлари ҳам кўпаяди. Бу билан туман саноатчиларининг сафи ҳам кенгагайди. Бир пайтлар Норин фақат қишлоқ хўжалик хомашёси етиштирадиган туман бўлиб, бу ерда биттагина пахта тозалаш заводи бор эди, холос. Энди эса иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари қатори саноат ҳам ривожланиб, ўнлаб катта-кичик корхоналар ишлаб турибди. Биз уларнинг биттаси ҳақида қисқача ҳикоя қилдик, холос.

Суратларда: корхона ҳаётидан лавҳалар.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ, «Adolat» муҳбири

Ободликка элтувчи йўллар

Иқтисодиётнинг қон томири


Йўллар азал-азалдан турли манзиллар, олис ҳудудлар, давлатларни, қалбларни туташтириб, одамларнинг оғирини енгил, мософаларни яқин қилиб келган. Улар иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг чинакам қон томирларидир. Кенг ва раvon йўллар юрт ободлигидан, турмуш фаровонлигидан дарак беради. Шу боис ҳам йўл ва кўприклар қуриш асрлар мобайнида энг эзгу, шарафли ва савоб иш ҳисобланган.

“Навоийавтойўл” худудий йўллардан фойдаланиш ташкилотининг салкам 1300 кишилик йўлсозлари ҳам вилоят худуди, жумладан, Қизилқум кенгликларига амалга ошираётган ишларининг нечоғли масъулияти, эл-юрт, она Ватан равнаки учун фойдали эканлигини жуда яхши билишади. Шунинг учун ҳам йилдан-йилга йўлларни таъмирлаш, қайта қуриш, янгидан бунёд этишда сифат ва самардорликни оширишга ҳаракат қилишаёпти. Натижалар ҳам шунга муносиб бўлмоқда. Жумладан, 2013 йилнинг дастлабки 6 ойида 11006,1 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди ва 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 28 фоиз ўсишга эришилди.

— Бугунги кунда асосий эътибор Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 мартдаги “2013 йилда умумфойдаланувдаги халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини тўла таъмирлаш дастури тўғрисида”ги қарорини муваффақиятли уддалашга қаратилмоқда, — дейди ташкилот бош муҳандиси Валикул Элмуродов. — Унга кўра, вилоятимиз худудидagi халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини тўла таъмирлаш бўйича 7 та объектда иш олиб борилмоқда. Йилнинг биринчи ярмида уларда 2449,8 миллион сўмлик ўрнига 2458,8 миллион сўмлик иш бажарилиб, белгиланган режа ошиғи билан уддаланди. Шунинг билан бир пайтда, Ягона бюртмачи инжиниринг компанияси бюртмасига кўра маҳаллий аҳамиятга эга автомобиль йўлларидagi 22,4 километр масофадаги 7 та объект ва 6 та кўприкда қурилиш-таъмирлаш ишлари режалаштирилган. Жорий йилнинг 6 ойи учун бу борада белгиланган режа 101 фоизга уддаланиб, 5 километр йўл қопламаси тўлиқ таъмирланди ва 1 та кўприк фойдаланишга топширилди.

Навоийлик йўлсозлар бундай натижаларга ўз-ўзидан эришаётганлари йўқ. Моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, унинг энг замонавий йўлсозлик техника-транспорт воситалари билан бойитилишга етарли эътибор қаратилаётганлиги, таъмирлаш-қурилиш ишларида улардан самарали фойдаланилаётганлиги муваффақиятларнинг асосий омилларидан биридир. Айни пайтда вилоят худудидagi йўл қурилиш-таъмирлаш ишлари-

да салкам 250 та турли йўл қурилиш техникаси имкониятларидан фойдаланилмоқда. Фақатгина шу йилнинг ўзида ташкилотнинг Кармана, Нурота, Навбахор, Учқудук, Қизилтепа ва Хатирчи туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-



фойдаланиш ҳамда Навоийдаги кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослашган таъмирлаш-фойдаланиш корхоналарининг моддий-техника базаси имкониятларини таъмирлаш, автосамосвал, юкгаич, зичлағич, йўлсозлик ва сув сепиш машиналари каби 13 та техника воситаларига кенгайтирилди. “Навоийавтойўл”да белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишида мавжуд 7 та асфальт-бетон цехлари имкониятларидан самарали фойдаланилаётганлиги ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Айни пайтда улардан 5 таси тўла қувватда ишлатилиб, йўл-қурилиш объектларига етарли микдорда асфальт ва бетон маҳсулотлари етказилиб берилаёпти. 2 та ана шундай цехлар эса таъмирланмоқда.

Корхонада ишлаётган муҳандис-техник ходимлар ва ишчиларнинг асосий қисми соҳада кўп йиллардан буён меҳнат қилиб келаятган малакали мутахассислар ва уларнинг муносиб издошлари бўлган аёшлардан иборат. Жамoa ёшлари нуроталик Султондиқ Қулмонов, навоийлик Алберт Каримов, карманалик Ахтам Холов ва навбахорлик Зиннат Ҳотамов сингари раҳбар ва мутахассислар, ишчи-

хизматчилар билан ҳақли равишда фахрланишади. Улар ўзларининг ҳалол меҳнатлари эвазига ҳукуматимизнинг юксак мукофотлари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар ва юқори раҳбар ташкилотларнинг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланишган.

Корхонада йўлсозларнинг унумли ишлашлари ва кўнглили ҳордиқ чиқаришлари учун етарли шарт-шароитлар яратилганлиги ҳам кўзланган марраларнинг муваффақиятли забот этилишида ёрдам бераётганлиги шубҳасиз. Вилоятнинг олис ҳудудларида вахта методи асосида ишлаётган йўлсозлар бригадалари вагон-йўлар, “Навоий-Нурота” йўналишидаги Қорақарға довинида эса қурувчилар уйи имкониятларидан фойдаланишяпти. Уларга доимий равишда

ташкилот ҳисобидан иш қийинлари, овқат пули бериб берилаёпти. Бу эса йўл қурувчилари ва таъмирловчиларини сидқидилдан масъулияти меҳнат қилишга даъват этаяпти. Энг асосийси, уларнинг меҳнати самараси — замонавий, кенг ва раvon йўллар юртдошларимизга қувонч улашаёпти.

— Қишлоғимиз худудидан ўтувчи ички йўлларда кенг кўламдаги таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилаётганлигидан миннатдоримиз, — дейди Кармана туманидаги Нарпай қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси Ҳасан Агзамов. — Бунинг учун “Навоий-автойўл” худудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти ҳамда унинг Кармана туман бўлими маси раҳбар ва мутахассислари, ишчи-хизматчиларига раҳмат.

Вилоятнинг энг олис ҳудудларида, Қизилқум саҳросининг чекка қишлоқ ва овулларида ҳам ташкилот шаънига бундай илиқ сўзларни билдиришди.

Буни эса вилоят йўлсозлари фаолиятига берилган энг ҳолис ва муносиб баҳо дейиш мумкин.

Олим ХўЖАЕВ, «Adolat» муҳбири

Сизга таъзимдамиз, азиз устозлар!

Давом. Боши 1-бетда

— Ҳар биримизнинг комил ҳамда етуқ, юртга муносиб фарзанд бўлиб етишишимизда муҳтарам ва улуг қасб эгаларининг меҳнати, заҳматлари сингган, — деди ўз табрик сўзида «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси П.Пармонова. — Дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган етуқ ёш авлоднинг вояга етказаятган фидойи ўқитувчи ва мураббийларга эътиборни қучайтириш, уларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш, соҳа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашини янги тизимини яратиш таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият қасб этмоқда. Ўз дас-турида ҳар бир фуқаронинг

сифатли ва бепул таълим олиши, яхши ҳақ тўланадиган муносиб иш топиш, яхши мутахассис бўлиш ва истаган пайтда ўз ишини ташкил этиш имконига эга бўлишини ёқлаган Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси давлатимизнинг бу борадаги интилишларини қўллаб-қувватлайди. Зеро, педагоглар партияимизнинг таянчи ва суянчиларидан ҳисобланади.

Тадбирда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети кафедре мудири Файзулла Бахромоов, Тошкент давлат иқтисодиёт университети кафедре мудири Азамат Мухтаров, Ҳамза туманидаги 30-сонли умумтаълим мактаби директори Шариф Содиков сўзга чиқиб, Ватанимизнинг маънавий-матрифий салоҳия-

тини юксалтириш, ёш авлодини она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-хунарларни ўргатиш, кучли фуқаролик жамияти барпо этишда шундай масъулиятли вазифа ишониб топширилгани ҳамда диёримиз равнақи ва фаровонлиги йўлида ўз ҳиссаларини қўшаётганликларидан мамнун эканликларини таъкидлашди.

— Ўқитувчилик касби — ҳам машаққатли, ҳам шарафли бўлган ўзига хос бир оламдир, — деди Тошкент кимё-технология институту проректори Махфуза Карахожаева. — Бизнинг давлатимизда ўқитувчи

устоз, мураббийларга эътибор бошқа ҳамма давлатлардагидан ҳам юқори, деб биламан. Сабаби ҳеч бир давлатда устоз ва мураббийлар кунни умумхалқ байрами сифатида нишонланмайди. Елкаимизда турган улкан бурч, яъни мактаб остонасига илк қадам қўйганимизда қўлимизга қалам тутқазиб, алифбони ўргатган биринчи устозимиз сиймосини, бу улуг зотнинг фидокорона меҳнатини доимо чуқур энтикиш билан эслаймиз ва қалбимизда уларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ҳиссини туюямиз.

Тадбир давомида ушбу улуг қасб эгалари шаънига илиқ фикрлар билдирилиб, таълим соҳасида бир неча йиллардан буён фидокорона меҳнат кўрсатиб келаятган ўқитувчи

ва мураббийларга Тошкент шаҳар партия Кенгашининг махсус совгалари топширилди.

Дарҳақиқат, тадбирда эътироф этилганидек, барчамиз ҳаётимизда эришган ҳар қандай ютуқ ва муваффақиятларимиз учун устозларимиздан қарздормиз ва бунинг учун абадий миннатдор бўлишимиз лозим. Бекорга «Устоз отангдек улуг» дейишмайди. Шундай шарафли ва масъулиятли, миллат келажак учун асос бўладиган қасб эгалари — устозларимиз доимо соғ ва саломат бўлишин.

Бобур ОТАМУРОДОВ, Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот котиби



Келажак энергияси борасидаги миллий қонунчилик

соҳанинг жадал ривожланишига хизмат қилади

Фракция ташаббуси

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси ташаббуси билан Ўзбекистон Фанлар академиясида «Муқобил энергия манбалари соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, Ўзбекистон Фанлар академияси олим ва мутахассислари, олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчилари ва талабалари, муқобил энергия технологиялари ишлаб чиқарувчи корхоналар вакиллари ҳамда партия фаоллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси раҳбари Собир Турсунов таъкидлаганидек, республикада қайта тикланадиган энергия манбаларини кенг жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш юзасидан ўзаро фикр-мулоҳаза алмашиш, олим ва мутахассисларнинг илмий асосланган тақлиф-таъвияларини олиш ҳамда тажрибалари билан ўртоқлашиш тадбирининг асосий мақсадидир. Зеро, мамлакатимиз иқтисодий тобора юксалаётган айна даврда соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз ёқилги-энергетика тизимида муқобил энергия манбаларини жорий этиш, биринчи навбатда, соҳадаги қонун ҳужжатларига боғлиқ.

Айтиш жоизки, дунёда муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга ўтиш тажрибаси оммалашмоқда. Сабаби кейинги қирк йил мобайнида ер юзиде экологик муаммоларнинг кўпайиб бораётганлиги мутахассис-олимларни жиддий ташвишга солаётди. Бунга санаётда энергиядан фойдаланиш меъёрининг ошиб бораётгани сабаб бўлаётди. Электр ва иссиқлик станцияларидан, тобора ортиб бораётган ичдан ёнувчи двигателларидан чиқётган зарарли газлар туфайли атоф-муҳит жиддий талафот кўрмоқда.

Манбалари орқали иқтисодий тармоқларини, ҳудудларимизни, аҳолини узулсиз энергия билан таъминлаш, атоф-муҳитга чиқарилаётган зарарли чиқиндиларни камайтириш ва иқтисодийнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Зухра БОТИРОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси:

— Ўзбекистон «Адолат» СДП сайловолди дастурида қайта тикланадиган ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланишни асослаш механизмларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва таъбиқ этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шундан келиб чиқиб, партия ўз дастурий вазифаларини изчил амалга ошириш мақсадида муқобил, қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий этишни рағбатлантиришга қаратилган бир қатор муҳим тадбирларни ўтказиб келмоқда. Масалан, Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда муқобил, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш ҳолати, унинг иқтисодий ҳамда экологик афзалликлари, соҳага доир қонунчилик ва уни такомиллаштириш масалалари, шунингдек, бу борадаги ҳорижий давлатлар тажрибаси атофлича муҳокама қилинди. Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва Қонунчилик палатасидаги экоҳаракат депутатлари ҳамда партия фракцияси ҳамкорлигида қатор давра суҳбатлари ташкил этилмоқда, бундан қўзланган мақсад муқобил энергияга оид ҳуқуқий ҳужжат юзасидан тақлифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Анъанавий энергия захираларини тежаш ва муқобил энергетикани жорий этиш Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг 2013 йилдаги фаолиятининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгилангани бежиз эмас. Муқобил энергия сайловолди дастуридаги энг муҳим вазифалардан бири бўлгани учун ҳам йилнинг бошида партияимиз томонидан «Муқобил энергиянинг энг фаол тарғиботчиси» республика кўрик-танлови эълон қилинди.

Саъдулла ЛУТПУЛЛАЕВ,
Фанлар академиясининг вице-президенти, «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Физика-техника институти директори:

Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, шубҳасиз муқобил энергетика йўналишидаги кенг қамровли тадқиқот ишлари самарадорлигини янада ошириш ҳамда қуёш энергиясидан фойдаланишда янги уфқлар очди. Шу билан бирга, муқобил энергия соҳасининг тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга илмий потенциални янада ривожлантириш мақсадида «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси негизда Осие тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия институтлари иштирокида Халқаро қуёш энергияси институти ташкил қилиниб, мазкур йўналишда кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Имтиёзлари бериш юзасидан қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳамда соҳанинг жадал ривожланиши учун «Муқобил энергия манбалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш лозимлиги белгиланди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзолари, тегишли вазирлик, идоралар ҳамда академияимиз олимлари ҳамкорлигида ушбу йўналишда кенг миқёсда ишлаб олиб борилмоқда.

Тўлқин АБДУСАТТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Айтиш лозимки, ҳозирги кунда электр энергияси билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Электр энергетикаси тўғрисида», «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмоқда. Ушбу қонунларда муқобил энергия манбалари соҳасига тааллуқли айрим муносабатлар ҳам тартибга солинган. Бироқ тараққиёт соҳадаги қонунчиликни такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Бу борадаги халқаро қонунчиликка назар ташлайдиган бўлсак, АКШ, Буюк Британия, Германия, Дания, Нидерландия, Япония, Хитой, Жанубий Корея каби ривожланган давлатларда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш борасида мустақам қонунчилик базаси яратилган. Бу эса, ўз навбатида, ушбу давлатлар энергетика тизимида қайта тикланувчи энергия манбалари улушининг ортиб боришига хизмат қилмоқда.

Равшан ОРТИҚОВ,
«Ўзбекэнерго» ДАК бошқарма бошлиғи:

— «Ўзбекэнерго» ДАК «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси негизда ташкил қилинган Халқаро қуёш энергияси институтининг таъсисчиларидан бири ҳисобланади.

табiiй газ истеъмолини камайтириш ва бунинг натижасида атоф-муҳитга зарарли моддаларни чиқариб ташлаш ҳамда ни сезиларли даражада қисқартириш имконини беради.

Марказлаштирилган ҳолда техник-иқтисодий асосланган энергия таъминотидаги ўтиш йўли билан қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг миқёсда фойдаланиш қишлоқ жойларида, айниқса, бориш қийин бўлган олис жойлардаги объектларнинг энергия таъминотида яхшилаш борасидаги қатор муаммоларни ҳал этишга имкон беради.

Давра суҳбатида, шунингдек, Фанлар академияси олимлари томонидан қайта тикланувчи энергия манбаларидан, аввало, қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасида илмий ва экспериментал тадқиқотлар олиб бориш борасида салмоқли тажриба тўпланганлиги қайд этилди. «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтказилаётган тадқиқотлар жaxon миқёсида ҳам эътироф этилаётгани, бу ерда тайёрланаётган турли қувватдаги қуёш панеллари мамлакатимиз ҳудудларидаги ижтимоий соҳа объектларига ўрнатилаётгани, қолаверса, буортмачиларга ҳам тайёрлаб берилаётганлиги таъкидланди. Соҳага доир қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан иштирокчи олимларнинг тақлиф ва таъсиялари тингланди.

Шунингдек, партия фракцияси аъзолари А.Раҳмонов ва Қ.Жўраев кун тартибидеги масала юзасидан ўз тақлиф мулоҳазаларини билдирдилар.

Илос САХАТОВ,
«Adolat» муҳбири

Одамлар қалбига йўл топиб

Давони. Боши 1-бетда

Жорий йилда қашқадарёлик ғаллакорларнинг ҳосил хирмони 1 миллион тоннадан ошиб кетгани алоҳида таъҳинга лойик. Миришкор пахтакорлар айна кунларда 420 минг тонналик улкан маррани эгаллаш учун ғайрат-шижоат намуналарини кўрсатмоқдалар.

Вилоятда санаот соҳасида қувонарли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Хусусан, йилига 125 минг тонна полиэтилен ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган Шўртан газ-кимё комплекси негизда иқтисодий-иқтисодиётимизда мутлақо янги тармоқ — газни чуқур қайта ишлаш тармоғи вужудга келди. Янада муҳими, ушбу комплексининг ишга тушиши натижасида кўплаб ёшлар замонавий санаот мутахассисликларини, мураккаб технологияларни бошқариш маҳоратини эгаллаб, бугунги кунда ҳеч кимдан қолишмай, иқтидор ва салоҳиятларини намоян этиб меҳнат қилмоқдалар.

Қашқадарёда бугун 2 миллион 830 минг киши истиқомат қилмоқда. Аҳолининг 44,5 фоизини мактаб ёшидаги болалар ва ёшлар ташкил этади. Кейинги ўн икки йилда вилоятда 320 та умумтаълим мактаби, 89 та академик лицей ва касб-хунар коллежи, 132 та соғлиқни сақлаш муассасаси, 98 та болалар спорт объектлари фойдаланишга топширилди. Қашқадарёлик ёшлар фан олимпиадалари, турли спорт мусобақалари, халқаро фестивал ва танловларда муносиб қатнашиб, юртимиз шарафини ҳимоя қилмоқдалар. Ёшлар эртага ким бўлиб этишади, қандай касбларни эгаллайди, қандай қадриятларга амал қилади — бу тўғрида бугун йўлаш, аниқ режалар тузиш, жамият ҳаётида фаол иштирок этишлари учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш лозим.

Юртбошимиз Қашқадарёда халқ хўжалигининг етакчи соҳаларида эришилаётган ютуқларни эътироф этиш билан бирга, вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида мавжуд бўлган камчиликлар, фойдаланилмаётган имкониятлар, эътибордан четда қолаётган муаммоларни ҳам атофлича таҳлил қилиб, уларнинг ечими хусусида зарур маслаҳат ва кўрсатмалар берди.

Демак, сессияда билдирилган мулоҳазалар Ўзбекистон «Адолат» СДП Қашқадарё вилояти Кенгаши ҳамда унинг депутатлик гуруҳи аъзоларидан тўғри хулоса чиқаришни тақозо этади. Ваҳоланки, партияимиз сайловолди дастурида жамиятда ижтимоий адолат ва қонун устуворлигига эришиш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини муносиб иш ўрни билан таъминлаш каби гоилар бежиз илгари сурилмаган.

Ҳаёт тўхтовсиз ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Одамларнинг дунёқараши, турмуш тарзи ўзгармоқда. Бундай шароитда кеңгай муваффақиятлар билан қаноатланиб қолмай, янги-янги имкониятларни қидириб топиш, одамларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш, улар қалбига йўл топиш, эзгу тақлиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, раҳбарлик одоби ва масъулиятини унутмаслик гоят муҳимдир. Мухтарам Юртбошимизнинг Қашқадарёда бўлиши бу борада янги ютуқларга замин яратиши шубҳасиз.

Рушдидин РАУПОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Қашқадарё вилояти Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

Ҳуқуқий эксперимент

Мақолани соҳага оид энг сўнги янгиликлар билан бошлашни лозим топдик. Алоқа-ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасининг бевосита иштирокида вилоят таълим тизимида Ziyonet тармоғини жорий этиш, юқори тезликдаги интернет алоқасини йўлга қўйиш мақсадида шу йил 181 км. узунликдаги оптик толали кабель ётқизилди. Бу тармоқ 19 та кўп қаватли турар-жой биносига ҳам уланди. Амалга оширилган ана шундай ташкилий-техник чора-тадбирлар туфайли бугун вилоятда интернетдан фойдаланувчилар сони салкам 700 минг кишига етказилди.

Ёки бу рақам Самарқандда ҳар уч кишидан бир нафари интернетдан фойдаланаяпти, деган хулосани аналатади. Бундан ташқари, вилоят телерадиокомпанияси кўрсатувлари рақамли узатув асосида намойиш этилаётган бўлди. Бу ҳам кўрсатувлар сифати ва техника даражаси кескин яхшиланишига олиб келди.

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очқилги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент доирасида иштирок этаётган мазкур бошқарма томонидан тақдим этилган маълумотларга асосланган бўлсак, иш жараёнидаги бундай тажриба ва ташаббуслар талайгина. Соҳадаги изланишларнинг ҳар бири давлат бошқаруви идоралари билан фуқаролар ўртасидаги тезкор, ишончли мулоқотларни таъминлашга, ҳар қандай расмиятчилик, бюрократиядан ҳоли «электрон ҳуқумат»ни шакллантиришда техник-ташқилий кўмак беришга қаратилмоқда.

Вилоят матбуот уюнда бошқарма раҳбарлари, мутахассисларнинг ОАВ вакиллари ва бошқа нодавлат тақлилотлар, манфаатдор идоралар масъул ходимлари иштирокида ўтказилган матбуот конференциясида ҳам шу каби вазибалар атофлича муҳокама этилди.

— Алоқа ва ахборотлаштириш хизматининг ҳуқуқий эксперимент жараёнида таъсир кўрсатувчи субъект сифатидаги иштирокини қўйидаги мисолда ҳам кўриш мумкин, — дейди бошқарма раҳбари вазифасини бажарувчи Дилмурод Хужамбердиев. — Синов бошланмасдан аввал, аниқроғи, шу йилнинг февраль ойида давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳолати бошқарма томонидан мониторинг қилинди. Унинг натижаларига кўра, электрон ҳужжатларнинг айланиш самарадорлиги пастиги, веб-сайтларнинг Вазирлар Маҳкамасининг 236-сонли қарорига мувофиқ юритилмаслиги, локал ва корпоратив хизматларни ташкил этиш қонқарсиз эканлиги, «электрон имзо» эгалари сони озлиги аниқланди. Мониторинг натижалари вилоят ҳокимлиги томонидан ўрганилиб, тегишли чоралар белгиланди. Шу туфайли бугун ахборотлаштириш соҳасида кескин ўзгариш кўзга ташланмоқда.

Дарвоқе, айна пайтда вилоятдаги шаҳар ва туманлар ҳокимликларида АКТларни жорий этиш кўрсаткичи 94 фоизни ташкил этмоқда. «Электрон

имзо»дан фойдаланувчилар сони 3 баробар кўпайиб, 233 тага етган. Электрон почтадан фойдаланувчилар илгари атиги 2 фоизни ташкил этган бўлса, бугун бу миқдор 20 фоизга етган.

Матбуот конференциясида таъкидланганидек, бугун вилоятда АКТларни жорий этиш ва улардан самарали фойдаланишда вилоят адлия, солиқ, молия, статистика, божхона ҳамда касб-хунар таълими бошқармалари ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Биргина вилоят адлия бошқармасида фуқаролар билан тўғридан-тўғри мулоқотни йўлга қўйиш, маълумотлар базасининг очқиллиги таъминлаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятидаги қонунлар тарғиботини кучайтириш, мақсадида расмий веб-сайт билан бирга б та интерфаол хизматлар мунтазам ишлаб турибди.

Бироқ вилоятдаги бошқаруви идораларининг айримларида мазкур жараённинг аҳамияти чуқур идрок этилмапти. Локал ва корпоратив тармоқларни ташкил этиш, компьютер техникаси билан таъминлаш даражаси суств бўлган идоралар қаторида вилоят қишлоқ ва сув

хўжалиги бошқармаси, вилоят санитария ва эпидемиология назорати идорасини кўрсатиш мумкин.

Вилоят алоқа-ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари ҳудудий бошқармаси мазкур бошқарув идоралари ягона талаблар асосида техник жиҳозлантирилишидан бевосита манфаатдор. Чунки, бошқарма зиммасига ҳар бит та ҳуқуқий «субъект» билан электрон алоқа боғлаш, интернет тизимини янада кенг жорий этиш вазифаси оқлатилган.

— Ана шу масъулиятли ишни бажаришга тўла қодирмиз, — дейди бошқарманинг ахборот хизмати раҳбари Нодир Шишазаров. — Чунки, бизнинг тизимимизда «Ўзтелеком», «Ўзмонбай», «Ўзнет»нинг филиаллари, вилоят ахборот-кутубхона маркази, вилоят «Почта»си, радиотелевидения узатиш маркази сингари 15 та салоҳиятли корхона, уч мингга яқин ходим фаолият юритмоқда. Уларнинг ҳар бири ўз соҳасида янгиликнинг тезкор жорий этилишидан астойдил манфаатдор.

Дарвоқе, алоқа ва ахборотлаштириш истаган вақтда, исталган ҳудудни қамраб олиши, демакки, бошқарувда очқиллик



Зоҳир ТўРАКУЛОВ,
«Adolat» муҳбири

ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Термизда янги қуйи ташкилот

БПТ — фаол куч

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сурхондарё вилояти ва Термиз туман Кенгашлари ташаббуси билан тумандаги Янгиорк тез тиббий ёрдам шохобчасида «Истиқлолимиз — истиқболимиз» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Унда мустақиллик йилларида барча жабҳаларда эришилган улкан ютуқлар ва уларнинг замиридаги машаққатларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилиб, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтиришдаги роли, дастурий ғоя ва мақсадлари ҳусусида иштирокчиларга батафсил маълумот берилди.

— Мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида овоз ва эркин ҳаёт саҳифасини очиб берган истиқлол бизга бекиёс имкониятларни ҳаёда этди, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Сурхондарё вилояти Кенгаши раиси ўринбосари Д.Раҳматова. — Йиллар оша босқичма-босқич фаровон кунларга етиб келдик. Ободликдан, тўкинликдан кўнгилларда хотиржамлик, эртанги кунга ишонч барқарор. Фуқароларимизнинг фаровонлиги, турмуш тарзи йил сайин юксалиб бормоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тўдан ўзгариб, обод бўлиб, чирой очиб, барча жабҳаларда асрларга таъгиулик ютуқларга эришмоқдамиз.

Тадбирда сўз олган Термиз туман партия кенгаши раиси Ш.Ҳайитов Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Устави ва Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифалар ҳусусида тўхталиб, иқтисодий ривожлантиришдан аҳолининг турмуш сифати ва даражасини ошириш, инновацион иқтисодийга ўтиш, илм-фани қўллаб-қувватлаш, аҳолини сифатли хизматлар билан таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада юксалтириш каби дастурий мақсадлар ҳамда улар доирасида олиб борилаётган амалий чора-тадбирларга иштирокчилар эътиборини қаратди.

Тадбир сўнггида партия Устави ва Сайловолди дастури билан танишган тез тиббий ёрдам ходимларидан 30 нафари партия сафига қабул қилиниб, Янгиорк тез тиббий ёрдам шохобчасида бошланғич партия ташкилоти тузилди. Маҳбуба Раҳмонкулова қуйи ташкилот раиси этиб сайланди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сурхондарё вилояти Кенгаши матбуот хизмати



Аёл — жамият кўзгуси

Семинар

Андижонда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, вилоят ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти Кенгаши ҳамкорлигида «Аёл — жамият кўзгуси» деб номланган республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Миллий университети, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат университети, Тошкент педиатрия, Бухоро, Самарқанд давлат тиббиёт институтлари, шуниқдек, республикамиздаги бошқа бир қатор олий ўқув юртиларида фаолият кўрсатаётган олимпиада аёллар, фаол хотин-қизлар иштирок этган мазкур анжуманда мавзу доирасида «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, хотин-қизлар фаоллигини ошириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳусусида атрофлиқ сўз юритилди.

— Анжуман республикамиздаги олий ўқув юртиларида фаолият кўрсатаётган хотин-қизларнинг билим ва малакаларини, фаоллигини ошириш, ўзаро тажриба алмашишлари

га кенг имконият яратиб берди, — дейди Андижон давлат тиббиёт институти ректори, тиббиёт фанлари доктори, Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти Кенгаши раиси Алишер Шодмонов. — Айниқса, олимпиада аёлларимизнинг илмий салоҳиятини юксалтиришда, хотин-қизлар соғлиқини сақлаш борасидаги илгор тажрибаларни кенг оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Анжуманда аёллар соғлиқини муҳофаза қилиш, аёллардаги мавжуд касалликларни эрта аниқлаш, даволашда илгор усул ва тажрибаларни қўллаш, даволаш ишларининг самарадорлигини ошириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, ҳар бир оилادا соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалаларига жиддий эътибор қаратилиши зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Куннинг иккинчи ярмида анжуман ўз ишчи секциялар доирасида давом эттириди. Соҳа мутахассислари мавзулар доирасида ўзларининг илмий маърузалари билан иштирок этдилар. Жумладан, «Саломатлик — соғлом турмуш гарови», «Оилада толерантлик тарбияси», «Соғлом маънавий муҳитни шакллантиришда оиланинг роли», «Соғлом аёл — соғлом жамият» сингари қатор мавзулардаги маърузалар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Анжуманда ўқилган илмий маърузаларда хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларда турли хасталиклар келиб чиқishiнинг олдини олиш, касалликларни эрта аниқлаш ва самарали даволаш тадбирларини ўз вақтида ташкил этиш юзасидан таклиф, тавсия ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Бир сўз билан айтганда, анжуман хотин-қизларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллигини, жамиятдаги ўрни, роли ва нуфузини ошириш, шунингдек, ўзаро тажриба алмашишлари, билим ва малакаларини юксалтиришга хизмат қилди.

Малоҳатхон МУСАЕВА, Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти Кенгаши «Аёллар қаноти» раиси

“Ёш адолатчилар” — партия таянчи

Мустақил юртимизнинг келажаги — интеллектуал билимли, янгича фикрлай оладиган, маънан ва jisмонан бақувват ёшлар қўлида. Ўзбекистон «Адолат» СДП «Ёш адолатчилар» қаноти ва унинг ҳудудий бўлимлари ўз фаолиятида мамлакатимиз истикболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ёшлар орасида партиянинг халқчил дастурий ғояларини тарғиб этиш, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини юксалтириш борасида талай ишларни амалга оширмоқда.

Хусусан, «Ёш адолатчилар» қанотининг Хоразм вилояти ёшлари билан ишлаш бўлими 2013 йилда асосий эътиборни партияннинг дастурий ғоя ва мақсадларини ёшларга тушунтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, Ватанга муҳаббат ва садоқат, элим, юртим, деб гурурланиб яшаш руҳида тарбиялаш мақсадларига қаратмоқда. Бунда янги авлод вакиллари орасида инновацион тафаккурни шакллантириш, уларнинг ўз ишланмаларини ҳаётга татбиқ этиши учун амалий ёрдам кўрсатиш бирламчи масалага айланди.

Ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билими ва фаоллигини оширишга қаратилган тизимли ўқув ишларини ташкил этиш, партия позицияси нуктаи назаридан келиб чиқиб, мамлакатда ва дунёда содир бўлаётган янгиликларга муносабатини шакллантиришга эришиш, жамоатчилик ишларида ташаббускорлик кўрсата олиш қобилиятига эга ёшларни кашф этиш ҳамда инновацион фикрлайдиган ёшларни тарбиялашга қаратилган чора-тадбирлар уларнинг партиясига бўлган қизиқишини оширишга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, бу каби тадбирлар интерфаол мулоқот ва юксак технологик воситалар ёрдамида олиб борилаётган.

Партия позициясини мустаҳкамлаш ва амалга оширишда Хоразм вилояти Кенгашининг «Ёш адолатчилар» қаноти ҳам ўз режалари ва ҳаракат дастури билан қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқдалар. «Инноватор — ислохотларга қўмақдош», «Конституция — бахтимиз қомуни», «Сиёсий модернизация ва фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида социал-демократия позициясини таъминлаш мустаҳкамлашда ёшларнинг иштироки», «Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда нодавлат ташкилотларнинг роли» каби тадбирлар шулар жумласидандир. «Ёш адолатчилар» томонидан уюштирилаётган бундай тадбирлар ёшларда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларга нисбатан дахлдорлик хиссини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Ёшлар иштирокида

жойларда жами 50 дан ортиқ сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий тадбирлар ўтказилиб, унда етти минг нафардан кўпроқ ёшлар иштирок этгани ҳам фаоллик ошганидан далолат беради.

Вилоятимизда партия аъзоларининг 4200 га яқинини 30 ёшга бўлган ёшлар ташкил қилади. Улар мустақиллик йилларида ўз қатъий ҳаётий позицияларига эга шахс сифатида шакллланган ёшлардир.

Бугун партия ташкилотлари томонидан ёшлар билан ишлаш ва уларни сиёсий жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш ишларини тақомиллаштириш долзарб масалалардан саналади. Партия ёшлари билан ўтказилаётган сиёсий ўқишлар салмоғи ва савияси кескин оширилиши бугунги кун талабидир. Шунинг учун таркибиимизни фаол ва ташаббускор ёшлар ҳисобига янгилаш, уларнинг сиёсий билимларини ошириш борасида тизимли ўқув ишларини ташкил этиш, фаол ёшларни партия кадрлари захирасига тайёрлаш бўйича чоралар қўллаш йўналишида ишларни кучайтиришда даркор.

Бугунги кунда ёшларнинг куч-ғайрати, шижоати, замон билан ҳамназар ҳаракат қилиш ҳусусиятларидан самарали фойдаланиш Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм ёшларининг доимий широри бўлмайди. Галдаги вазифа уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимини янада ошириш ҳамда келажакда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ўтказилаётган сайловларда иштирок эта оладиган билимли ва ёш муносиб номзодларни саралаш ҳамда жойларда партия позициясини тарғиб қилишда ёшларнинг салоҳиятидан фойдаланиш.

Бир сўз билан айтганда, биз эртанги кун эгаларимиз. Эгалик бу — ҳамма нарсасга жавоб бериш, масъулиятни ўз зиммасига олиш демак.

Бекзод РАЖАБОВ, Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгаши «Ёш адолатчилар» қаноти раиси

Фаоллик — давр талаби

Миллий давлатчилигимизни шакллантириш жараёнида «Ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун» деган кучли ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлашга қаратилган тамойил илгари сурилди. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳам ўз сайловолди дастуридан келиб чиқиб, жамиятнинг барча қатламларида ижтимоий адолатни таъминлашга бел боғлаган.

Бунда партия маҳаллий кенгашларининг муҳим тармоғи бўлган бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини юқори босқичга кўтариш алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, сиёсий фаоллик бир қанча аъзоларни бирлаштирган қуйи бўғиндан бошланса, партияннинг иш тизимида ижобий ўзгаришлар юз беради, унинг хайрихоҳлари сафи кенгайиб, жамиятдаги мавқеи охиб боради.

Навоий вилояти Ногиронлар учун минтақавий реабилитация марказида ҳам Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг ижтимоий адолат ва манзилли ижтимоий ҳимоя каби ғояларини ёқловчи, ташаббускор шифокорлар кўпчилигини ташкил этади. Шу сабаб ҳам мазкур муассасадаги партияннинг бошланғич ташкилоти аъзолари партия вилоят Кенгаши олиб бораётган тарғибот ишларида фаол иштирок этадилар.

— Ўтказадиган барча тадбирларимизда республикамизда қабул қилинаётган қонунлар, Президент фармон ва қарорлари моҳиятини, ён-атрофда содир бўлаётган муҳим воқеа-ҳодисалар сабабларини, партиямиз илгари сураётган дастурий ғоялар мазмунини одамларга оддий тилда тушунтиришга ҳаракат қилаёلمиз, — дейди Навоий вилояти Ногиронлар учун минтақавий реабилитация маркази мутахассиси, бошланғич партия ташкилоти раиси Отабек Санақулов. — Аксариятимиз тиббиёт ходимлари бўлганлигимиз боис, соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар доимий эътиборимизда. Жумладан, имконияти чекланган инсонларни jisмоний ва руҳий соғломлаштириш, ҳуқуқ ва

эркинликларини бемалол амалга оширишини таъминлаш, уларни жамиятнинг фаол қатламига айлантириш бизнинг бош мақсадимиз.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Навоий вилоятида юқоридаги каби 200 дан ортиқ бошланғич партия ташкилотлари фаолият олиб бораётган бўлиб, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаси. Шу мақсадда Навоий шаҳридаги Абдулла Қодирий номидаги ахборот-кутубхона марказида Ўзбекистон «Адолат» СДП вилоят Кенгаши ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Навоий ҳудудий бўлими ҳамкорлигида «Сиёсий партияларнинг бошланғич ташкилотлари фаолиятини самарали таъминлаш» мавзусида семинар-тренинг ташкил қилинди.

Унда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Навоий ҳудудий бўлими раҳибари ўринбосари А.Рўзиқулов, Ўзбекистон «Адолат» СДП вилоят Кенгаши раиси ўринбосари Б.Қурбонов, «Аёллар қаноти» вилоят Кенгаши раиси С.Мансурова бошланғич партия ташкилотлари қандай тузилиши кераклиги, ҳужжатларни юришти тартиби ва бошқа керакли масалалар ҳусусида ўз тавсияларини бердилар.

Семинар сўнггида иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш бўйича кичик лойиҳалар ишлаб чиқиш ва мазкур лойиҳаларнинг тақдимотини ўтказишди.

Нягора РҲЗИЕВА, партия фаоли

От спорти билан соғлом ҳаёт тарзи сари

Ташаббус


От спортининг илдизи жуда қадим замонларга бориб тақалади. Оғиздан-оғизга кўчиб, ҳозирги давргача етиб келган халқ оғзаки ижодиётида ҳам от энг асосий қаҳрамонлар даражасида, уларнинг сифати кўкларга кўтариб мақталади. Мисол тариқасида, «Алпомиш» да «Бойчибор», «Гўрўғли» да «Фирқўк» ва бошқа дostonлардаги «Саман», «Тулпор», «Дулдул», «Жийрон» отларни келтириш мумкин.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида улоқ, оломон пойга, ағдарош каби миллий от спорти турлари билан бир қаторда, отларни минишга ўргатиш, тўсиқларни сакраб ўтиш сингари замонавий спорт турлари бўйича ҳам мусобақалар ўтказила бошланди.

Тошкент вилоятида ҳам от спорти тобора ривожланмоқда. Бугунги кунда вилоятимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам муҳташам от спорти иншоотлари қад ростлаб, улар баркамол авлодни аждодларга муносиб воқис қилиб тарбиялашдек вазифани адо этишда муҳим роль ўйнамоқда. Мамлакатимизда ва дунёнинг турли давлатларида ўтказилаётган нуфузли от спорти мусобақаларида тошкентлик чавандозлар томонидан забт этилаётган юксак марралар юқорида билдирилган фикрнинг исботидир. Айнан мустақиллик даврида от спорти бўйича мамлакатимиз терма жамоа-

си вакиллари 102 та медалга эга бўлганлар. Шундан 33 таси олтин ва 41 таси кумуш ҳамда 28 таси бронза медаллардир.

Уртимизда от спортининг мазкур тури бўйича бир қатор таниқли спортчилар етишиб чиққан. Хусусан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи Файрат Назаров от спорти бўйича жаҳон кубоғи саралаш босқичи мусобақаларининг ғолиби, Умид Комилов каби халқаро тоифадаги спорт усталари, шунингдек, ёш иқтидорли спорт усталари, жаҳон кубоғи саралаш босқичи иштирокчиси Мирзохид Мусаев, от спорти бўйича мамлакат чемпионати ғолиби Аваз Абдуҳакимовларни нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам яхши билишади. Устоз-шоғирд аъналарини от спортида ҳам давом этиб келмоқда. Таниқли устоз Файрат Назаровнинг умидли шоғирдларидан Азиз Садиқов, Шухрат Сафаров, Нуржон Туйқабоев, Хуршид Алимжонов,



Фаррух ўринбосовларнинг юксак марраларни эгаллашлари кутилмоқда.

Жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда спортнинг аҳамияти бекиёс бўлиб, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси дастурий ғояларида ҳам спортнинг оммавийлигини тарғиб этиш орқали соғлом турмуш тарзини қарор топтириш масаласи муҳим ўрин тутаяди. Зеро, jisман ва ақл соғлом ёшлар мустаҳкам келажагимиз пойдеворидир.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгаши ташаббуси билан 1 октябрь — Ҳуқуқчи ва мураббийлар кунини муносабати билан «Устоз ва шоғирд» шиори остида от

ёшларни jisмонан ва маънан соғлом фарзандлар этиб тарбиялашда қўл келаятганлигини эътироф этдилар.

Мусобақада 30 га яқин спортчилар ўзаро беллашдилар. Мусобақанинг 1-турига асосан «Устоз ва шоғирд» анъанасига кўра устоз спортчилар биринчи бўлиб 130 см. бандликдаги тўсиқлардан сакрашди. Ушбу турда моҳир спортчи Оқил Собиржонов ўзининг тулпорини маҳорат билан бошқариб мутлақ ғолибликни қўлга киритди.

Мусобақанинг 2-турида эса 105 см. бандликдаги тўсиқлардан сакраш бўйича 5 ёшдан 7 ёшга бўлган отларда мураббийларнинг иқтидорли шоғирдлари майдонда ўзаро куч синашимида ва унда ёш спортчи Баҳром Газиёв ғолиб бўлди.

Ғолибларга Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгаши Кубоғи ва I-II-III-даражали дипломлари ҳамда «Универсал Джампинг Агро» МЧЖ, шунингдек, ҳомийларнинг қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Мусобақада иштирок этган бир қатор ёшлар «Адолат» СДП аъзолигига кириш истагини билдирдилар.

Азиза ҚУРБОНОВА, Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгаши матбуот котиби

Фаолият

Куз-қиш мавсумида тайёрмиз

Қарор ва ижро

Маълумки, табиий газ аҳолининг мушкуллини осон, хонадонини иссиқ қилишга хизмат қилувчи асосий воситадир. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ халқимизнинг яшаш шароитини яхшилаш, уларни табиий газ билан таъминлаш, етказиб бериш тартибини такомиллаштириш бўйича Президентимиз ҳамда ҳукумат ташаббуси билан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шундай чора-тадбирлардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 5 июлдаги "Республика иқтисодиёт тармоқларини 2013-2014 йиллар куз-қиш мавсумида барқарор ишлашни таъминлаш тўғрисида"ги 1996-сон Қарорида ўз ифодасини топган. Ушбу қарор асосида тегишли тармоқ идоралари қаторида "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси ҳам куз-қиш мавсумида юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олиш борасида қилинажак чора-тадбирларни белгилаб олган.

"Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси Бош директори **Фатхулло Маҳаммаджанов**нинг айтишича, компания томонидан ушбу қарорнинг ижроси бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 5 июлдаги "Республика иқтисодиёт тармоқларини 2013-2014 йиллар куз-қиш мавсумида барқарор ишлашни таъминлаш тўғрисида"ги Қарори

га асосан "Ўзтрансгаз" акциядорлик компаниясининг 2013 йил 11 июлдаги 663-сон буйруғи чиқарилиб, унга қўрилган 141 километр қисмини мукамал таъмирлаш, 138,6 км. қисмини реконструкция қилиш, 13210 км. қисмини босим остида зичликка синаяш ва ҳаво босими ёрдамида тозалаш, 1045 км. қисмини бўяш ва 5 824 км. ер ости газ қувурлари ҳолатини текшириш, шунингдек, 94 920 дона газ тақсимлаш пунктларини техник тафтишдан ўтказиш ҳамда 150 тасини мукамал таъмирлаш белгиланган.

Бугунги кунда газ қувурларининг 113 км. қисми мукамал таъмирланди, 120,4 км. реконструкция қилинди,

12 584 км. қисми босим остида зичликка синаяш ва ҳаво босими ёрдамида тозаланди, қарийб 1300 км. қисми бўялди, 6435 км. ер ости газ қувурларининг ҳолати текширувдан ўтказилди ҳамда газ тақсимлаш пунктларининг 88 минг-таси техник тафтишдан ўтказилди, 145 таси эса мукамал таъмирланди.

Лекин мазкур йўналишда жорий йил куз-қиш мавсуми бошлангунга қадар амалга оширилмаган ишлар ҳали кўп, жумладан, 29 км. узунликдаги газ тармоқларини мукамал таъмирлаш ишларини ниҳоисига етказиш, 6 763 дона газ тақсимлаш пунктларини техник тафтишдан ўтказиш, 5 дона газ тақсимлаш пунктларини мукамал таъмирлаш ҳамда 627 км. узунликдаги газ қувурларини босим остида синаяш ва ички қисмини тозалаш талаб этилади.

— **Умуман табиий газ етиб бормасан ҳудудларда аҳолининг газга бўлган талаби қай даражада қондирилади?**

— Компания томонидан аҳолига ҳар қандай вазиятда табиий газ ўрнини босувчи газ баллонларини ўз вақтида етказиб бериш, табиий газ етиб бормайдиган ҳудудлардаги аҳоли хонадонларини кафолатланган иссиқлик ҳамда овқат тайёрлаш учун узлуксиз суюлтирилган газ билан таъминлаш, уларни ўз вақтида етказиб беришни ташкил этиш ҳамда бунинг ҳисобига ҳар бир фуқаро ушбу имкониятдан мунтазам баҳраманд бўлиш учун шароит яратиш асосий мақсад этиб белгиланган. Кези келганда таъкидлаш лозимки, аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлашда Қашқадарё ва Бухоро вилоятларидаги газни қайта ишлаш заводларига катта масъулият юк-

ланган. Ҳозирда бу ерда республикамиз барча ҳудудларида суюлтирилган газни етказиб бериш ишлари бажарилмоқда. Шунингдек, "Шўртангаз", "Муборақгаз" газни қайта ишлаш заводлари аҳолини таъминлаш учун суюлтирилган газ билан таъминлай олади, дейишимиз мумкин. Бу борада куз-қиш мавсумида ҳеч

русумли махсус автомашиналар билан таъминланиши режалаштирилган. Бугунги кунда бундай автомашиналарнинг 40 таси тегишли газ таъминоти корхоналари тасарруфида.

Ўтган йилги қиш мавсумида юзага келган муаммоли вазиятлардан тегишли ҳулоса олиниб, 2013-2014 йиллар куз-қишига тайёргарлик ишла-

ҳамда 2 та тўлдириш пунктлари қурилиш ишлари тез орада якунига етади.


Компания томонидан табиий газ етиб бериш муаммо бўладиган ҳудудлардаги аҳолига суюлтирилган газни етказиб бериш учун газ таъминоти корхоналарида ишлаб чиқарилган маиший газ баллонлари етказиб берилди. Шунингдек, тадбиркорлар томонидан импорт орқали бугунги кунга қадар жами 213 461 дона маиший газ баллонлари келтирилган. Йилнинг охирига қадар яна 167 500 дона ҳамда тадбиркорлар томонидан аҳолига 114 270 дона маиший газ баллонлари олиниши кўзда тутилган.

— **Аҳоли газ баллонли олиши учун қайси ташкилотга мурожаат қилиши лозим?**

— Аҳоли хонадонларига суюлтирилган газни етказиб бериш учун ҳудудий газ таъминоти корхоналаридаги мавжуд газ баллонларини биринчи навбатда кам таъминланган ва газ жиҳозлари бўлган оилаларга тегишли тартибда шартнома асосида вақтинчалик фойдаланишга берилди.

Аҳоли ўртасида суюлтирилган газ баллонли олишда муаммога дуч келганлари қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари орқали ёки тўғридан-тўғри ҳудудий газ таъминоти корхоналари ҳамда уларнинг туман (шаҳар)газ филиалларига суюлтирилган газ таъминоти билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш бўйича мурожаат қилишлари мумкин.

— **Газ баллонларининг табиий газга асосида қандай афзал жиҳатлари бор? Ушбу баллонларни халқимизга етказиб беришда яна қандай қулайликлар жорий этилади?**



қандай қийинчиликларга дуч келинмайди.

Суюлтирилган газни ўз вақтида аҳолига етказиш муҳим масалалардан биридир. Хусусан, табиий газ таъминоти муаммоли ҳудудлардаги аҳоли хонадонларига овқат тайёрлаш учун 140 118 тонна суюлтирилган газ ҳажмлари, 510 000 дона айланма маиший газ баллонларини керакли жойларга ўз вақтида етказиб бериш учун газ таъминоти корхоналари ISUZU автотранспорт воситаларини лизинг асосида сотиб олиш бўйича "Ўзавтосаноатлизинг" лизинг компанияси билан шартномалар тузиб, йилнинг охирига қадар 130 дона ISUZU

ри жорий йилнинг март ойидан бошланган. Бунда маҳаллий ҳокимликлар, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда республиканинг табиий ва суюлтирилган газ етказиб бериладиган ҳудудлари чегаралари аниқланди.

Бундан ташқари, аҳоли хонадонларини мунтазам равишда суюлтирилган газ билан таъминлаш учун жойларда қўшимча 26 та газ баллонлари тарқатиш сервис марказларини ташкил этиш ва 5 та газ тўлдириш станция (пункт)лари қуриш режалаштирилган. Бугунгача ушбу сервис марказларидан 6 таси тўлиқ қуриб битказилган ва қолган 20 таси

— Суюлтирилган газнинг афзаллиги — табиий газга нисбатан арзонлиги ҳамда узлуксиз суюлтирилган газ билан таъминлашида. Ҳатто, тажрибамизда ушбу газ баллонлардан фойдаланишга одатланган айрим фуқароларимиз табиий газ хизматидадан воз кечиши холлари ҳам учради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, аҳолига ушбу мосламани етказиб бериш ишларини янада яхшилаш мақсадида компания томонидан жорий йилнинг охирига қадар қўшимча "ISUZU" махсус автомашинасини лизинг шартномалари асосида сотиб олиниши кўзда тутилган, компаниянинг томонидан қуриш режалаштирилган суюлтирилган газ сотиш марказлари, газ тўлдириш станцияларидаги сервис хизматларини яхшилаш ва газ баллонларини сақлаш омборхоналарини қуриш ишлари жорий йилнинг охирига қадар якунланиши режалаштирилган.

Мисол учун, Хоразм вилоятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 5 июлдаги "Хоразм вилояти истеъмолчиларини ёқилғи-энергетика ресурслари билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 193-сонли қарорига асосан, аҳоли хонадонларига суюлтирилган газни ўз вақтида етказиб бериш учун аҳолидан буюртмалар олиш ва ушбу буюртмаларнинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш учун "Call-центр" тузилиб, махсус интерактив хизматлар ташкил этиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Келгусида бундай қулайликлар барча марказларда жорий этилиши режалаштирилган.

Саодат СОДИҚОВА суҳбатлашди.



Инновацион ғоялар ишлаб чиқаришга

Семинар

Давр шиддат билан ривожланаётган бугунги кунда инновацион ғоя ва лойиҳалар, янги юксак замонавий технологиялар ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда. Технология тараққиёти асрида илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этиш иқтисодиётнинг юксалишида муҳим омил саналади. Шу боис ҳам инновацион лойиҳалар ва янги ғояларни ривожланишига кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

Ишлаб чиқариш, ички истеъмол бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган арзон, сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, йирик корхоналар олдида турган муаммоларни бар-тароф этиш, уларнинг инновацион лойиҳаларга эҳтиёжларини аниқлаш, янги замонавий ишлаб чиқариш технологияларни жорий қилиш мақсадида, мавжуд илмий-техник салоҳиятидан фойдаланишга оид масалалар муҳокама этилди.

Йирик корхона ва ташкилотлар, кичик бизнес субъектлари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар ҳамда тегишли таклифларни бердилар.

Семинарда гўш, сут ва мева-сабзавотларни қайта ишлаш, тупроқнинг гумус қатламни ошириш, шўрланганлик даражасини камайтириш, томчилаб ва ёмғирлатиб сугориш-

га, пахта, шולי ва бошқа экинларнинг маҳаллий шароитга мос, янги, тезпишар, унумдор, сувсизликка чидамли навларини яратиш, қишлоқ хўжалиги экинларидаги касаллик ва зараркурандаларга қарши янги перепарат ва технологияларни жорий қилиш, қуёш, шамол энергиялари, биогаз ускуналарини амалиётга татбиқ этиш, маиший ва саноат қиқиндиларини қайта ишлаш, экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, тарихий обидаларни реставрация қилиш, уларнинг сақланиш даврини ошириш, термитларга қарши курашиш бўйича инновацион технологияларни қўллаш мақсадида манзилли инновацион ғоя, лойиҳалар, технологияларнинг дастурини ишлаб чиқишни янада кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

— Семинар иштирокчилар учун ниҳоятда фойдалу бўлди, — дейди иқтисод фанлари доктори, профессор Бахтиёр Рўзметов. — Турли соҳа мутахассислари илмий-назарий, амалиёт бўйича ўзаро тажриба алмашиш имкониятига эга бўлдилар.

Солиязжон РАХИМБЕРГАНОВА, «Adolat» мухбири

Нукуснинг «оқида аёли» аниқланди

Кўрик-танлов

Шу кунларда Ўзбекистон «Адолат» СДП тизимида ўтказилаётган «Партиянинг оқида аёли — 2013» республика кўрик-танловининг ҳудудий босқичлари айна қизғин паллага кирган.

Партия тизимидаги энг фаол, ташаббускор ва оқида аёли аниқлаш мақсадида ташкил этилаётган мазкур кўрик-танловнинг Нукус шаҳар кенгаши томонидан ўтказилган ҳудудий босқичи ҳам байрама ва кўтаринки руҳда бўлиб ўтди. Унда шаҳардаги БПТларда фаолият кўрсатаётган 8 нафар фаол аёллар ғойиблик учун беллашди.

Адолатлилик, очкилик, ашқоралик, рақобат мезонлари асосида ўтказилган ушбу танловда шаҳар партия кенгаши томонидан ташкил этилган махсус ҳайъат аъзолари иштирокчиларнинг ташаббускорлиги, дунёқарашини ғойивий ва мафкуравий жиҳатдан мустаҳкамлиги, сиёсий саводхонлиги, умумбашарий, миллий ва ижтимоий қадриятларни яхши ўзлаштирганлиги, ижодий фаолиятининг жамоатчи-

лик томонидан эътироф этилишига оид жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишди.

Иштирокчилар орасидан ўзининг суҳандонлиги, партия дастурий ғояларидан хабардорлиги, ёш авлодни Ватанга садоқатли фарзандлар этиб тарбиялашдаги улкан меҳнатлари, юксак истеъдоди билан иштирокчилар орасида устун келган Нукус шаҳаридаги 16-сонли умумтаълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқувчиси Гулшайм Бекбергенова «Ўзбекистон «Адолат» СДП Нукус шаҳар кенгашининг оқида аёли» деб топилди.

Иккинчи ўринга Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 2-сонли академик лицейнинг та-

рих ва ҳуқуқ фани ўқитувчиси, хотин-қизлар бошланғич ташкилоти раиси Рисул Караманова, учинчи ўринга эса Қорақалпоғистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси умумий бўлим мудираси Бибижан Уринбаевалар муносиб топилди.

Кўрик-танлов ғойиблари шаҳар партия кенгаши томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Шарипа ТОРЕШЕВА, Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот котиби

Истеъмолчилар манфаати йўлида

Фаолият

Бекобод синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси Сертификатлаштириш идоралари ва аккредитланган синов лабораторияси томонидан жорий йил II чораги давомида Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида», «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда «Сертификатлаштириш тартиботларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилди.

Марказга ушбу давр мобайнида келиб тушган 57 та мурожаат асосида сертификатлаштириш миллий тизимида белгиланган тартибга асосан 104 та мувофиқлик сертификати тақдим этилди. Жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларига 44 та, қурилиш маҳсулотларига 26 та, металл ва машинасозлик маҳсулотларига 34 та мувофиқлик сертификати берилди. Уз-

луксиз ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сертификатлаштириш натижасида ҳудудда жойлашган корхона ва тадбиркорларга 7 та мувофиқлик сертификати берилди. Бу эса юртимизда ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар сони ортиб бораётганидан далалатдир.

Марказ қошидаги аккредитланган озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари синов

лабораторияси томонидан ҳам синовларни ўз вақтида ва сифатли ўтказишга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, ушбу даврда жами 805 та синов ўтказилиб, 161 та синов баённомалари расмийлаштирилди. Маҳсулотларни сертификатлаштириш мақсадида серияли ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бўйича эса II чорак давомида 327845.3 минг сўмлик маҳсулотлар бўйича жами 174 та синов ўтказилиб, 57 та синов баённомалари расмийлаштирилди.

Синов лабораторияси томонидан амалга оширилган синовларнинг ишончилигини таъминлаш мақсадида Сирдарё вилояти синов ва сертификатлаштириш маркази билан нон маҳсулоти кислотаси таҳлилчи бўйича солиштирма синовлар олиб борилди. Натижада меъёрий ҳужжатда ўрнатилган талаб бўйича 2 та лабораторияда амалга оширилган синовларнинг натижалари оғиши ўрнатилган тартибда эканлиги маълум бўлди.

Ўлчов воситаларини мажбурий давлат кўригидан ўтказиш учун метрологик қиёслас шартномаларини амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғриси-

да»ги Қонуни талабларини бажариш борасида Бекобод синов ва сертификатлаштириш марказининг қиёслас бўлими томонидан вилоятдаги корхоналар ва ташкилотлар билан тўлиқ ишлар олиб борилаётир. Жумладан, ўлчамлар бирлигини таъминлаш ва ўлчаш воситаларини ҳисобга олиш мақсадида «Оҳангарондон маҳсулотлари», «Қучлик нефть базаси» УК, «Тошкентэлектротармоқлари» АЖ, «Тошкентгазтаъминот» УК, «Тошкентвилоятбозорсавдо» уюшмаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси билан марказ ўртасида қўшма буйруқлар ишлаб чиқилган бўлиб, бўлим томонидан иккинчи чорада 9421 дона ўлчов воситаси давлат кўригидан ўтказилиб қиёсланди, шундан 45 донаси яроқсиз деб топилди ва у жами қиёсланган воситаларнинг 0,5 фоизини ташкил этди. Демак, ҳар бир қиёсланган, давлат кўригидан ўтказилган ўлчов воситалари истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялайди.

Ақилбек МУСТАФОЕВ, Бекобод синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси директори

Орзулар рўёби

Давом. Боши 1-бетда

— Албатта, бундай натижаларга эришиш ўз-ўзидан бўлмайди, — деди М.Набиев. Буларнинг замирида педагогик жамоамизнинг кундалик фидокорона меҳнати ётибди. Йиллар давомида шаклланган анъаналарни бугунги муаллимларимиз ўзларининг қадрига эътибор билан қабул қилиб олиб давом эттиришмоқдалар. Ана шундай илғор, ҳар соҳада ўрнатилган муаллимларимизнинг олдинги сафида Сайдулла Мансуров ҳам бор. Ҳар соҳада ўрнатилган муаллимларимизнинг олдинги сафида Сайдулла Мансуров ҳам бор. Ҳар соҳада ўрнатилган муаллимларимизнинг олдинги сафида Сайдулла Мансуров ҳам бор.

диган фанлар, балки ҳаётини масалаларда ҳам мураббий эдилар. Шунинг учун ўзи ҳам аъло баҳоларга ўқишга интилди. Ҳаётини имтиёзли дипломга битирди. Сўнгра шу ернинг ўзида ишда қолди. Дастлаб ҳарбий рўйхатга олиш нозир бўлди. Кейинчалик ишлаб чиқариш амалиётларида раҳбарлик қилди. Орада Тошкентдаги ирригация ва мелиорация муҳандислари институтини сиртдан ўқиб битирди. Қишлоқ хўжалиги бўйича махсус фанлардан дарс бера бошлади. Улар орасида қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаши, таъмирлаш ва техника хизмат кўрсатиш, трактор ва автомобиллар тузилиши, механизациялашган ишлар технологияси каби йўналишлар бор. Эндиликда коллежда мана шу соҳанинг ҳақиқий билимдонларидан бири ҳисобланади.

фанлари кафедраси билан уй-ғуллаштириш сингари масалалар доимий диққат марказида турибди. Устоз айниқса, физика, кимё, инглиз ва рус тиллари муаллимлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга жиддий эътибор беради. Яқинда шу мавзуда илмий маъруза тайёрлади ва вилоят касб-хўна тарбия ходимларининг анъанавий август анжуманида ўқиб берди. Турдош коллежларнинг кўлаб ўқитувчилари уни қизиқиш билан тингладилар. Таҳрибани урганиш ва қўлши истагини билдирдилар. Масалан, инглиз тили муаллими Насиба Жақбаров ва С.Мансуровнинг тақлифи билан инглиз тилидаги манбалар асосида «Жаҳон қишлоқ хўжалиги тарихи» қўлланмасини яратди. Рус тили ва адабиёти бўйича устозлар эса соҳадаги таянч сўзларнинг ўзига хос луғатини ишлаб чиқдилар. Физика, кимё, биология машғулотлари ҳам махсус фанлар билан боғлаб ўтказилиши дарслар самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Кафедра ўқитувчиларининг тақлифи билан ишлаб чиқариш амалиётлари қишлоқ хўжалик экинларининг вегетация даврига қараб босқичма-босқич ўтказиш йўлига қўйилгани ҳам кўпчиликка маъқул тушди. Юқоридаги каби янгиликларни омдалаштиришда Баҳоидир Турғунов, Котиб Асқаров, Равадан Исоқов каби муаллим сафдошлар ибрат бўлмоқдалар.

Аҳматова билан ҳам суҳбатлашдик. Дарвоқе, мазкур БПТ туманда энг намуналилардан бири саналади. Қирқ нафардан ортиқ аъзо бор. Улар ўқув юртининг жамоат ҳаётида фаол қатнашадилар, ҳамisha бошқаларга ўрнак бўлишга интиладилар. — Мансуров домлани бир-галликдаги иш жараёнида кўпдан бери биламан, — дейди М.Аҳматова. — У киши партиямизнинг фаол хайрихоҳларидан бири саналади. Ўтказилган тадбирларимизда бахонида қатнашди. Аъзоликка номзодлар рўйхатида ҳам бор. Айни пайтда партия низоми ва дастурлари билан танишмоқда. Сайдулла Мансуров Бекобод қишлоғидаги ибратли оилалардан бирининг бошлиғи эканлигини ҳам айтиб ўтиш ўринлидир. Турмуш ўртоғи Саидадон билан тўрт фарзандни вояга етказмоқда. Сайёра туман марказий полиликниқасида ҳамшира. Файзулло инглиз тили ўқитувчиси, Шахло ва Ҳикматилло коллеж ўқувчилари. Улар ҳам оталари каби эл корига ярайдиган, мустақил Ватан учун хизмат қиладиган инсонлар бўлиб етишишни орзу қиладилар. — Мен аслида ҳеч қандай катта иш қилганим йўқ, ўз вазифамдан пухта, сифатли, кўнгилдагидай бажаришга ҳаракат қиламан, холос, — деядил сўзларини изҳор этди суҳбатимиз охирида Сайдулла Мансуров. — Камтарона меҳнатимга юксак баҳо берилганидан бениҳоя миннатдорман. Келгусида ҳам ёшларни мустақил юртимизнинг муно сиб фарзандлари бўлиб камолга етишларига ўз ҳиссамни қўшаман.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ, «Adolat» мухбири

Одам савдоси — трансмиллий жинойт

Огоҳлик

Бу сўзлар Норин туманида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Наманган вилоят ҳамда Норин туман прокуратуралари ташаббуси билан ўтказилган семинарда яна бир бор таъкидланди. Тадбир Одам савдосига қарши курашиш бўйича Норин туман идоралараро комиссияси томонидан олиб борилаётган ишлар — одам савдосидан жабр чеккан фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринларини яратиш масалаларига бағишланди.



Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раислигидаги Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси турли идораларнинг одам савдоси жинойти қурбонларини ижтимоий ҳимоялаш йўналишидаги фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қиладди. Айни пайтда тегишли вазирликлар, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳудудий идоралараро комиссияларининг одам савдосига қарши кураш борасидаги фаолиятларининг ҳар чорақдаги яқуни комиссия йиғилишларида қўриб чиқилди. Семинарда мазкур масалаларнинг тумандаги ижроси, амалга оширилаётган ишларга жиддий эътибор қаратилди.

Виолядаги барча туманлар, шу жумладан, Норин туман идоралараро комиссияси олдидан турган доимий вазирлараро комиссияси турли идораларнинг одам савдоси жинойти қурбонларини ижтимоий ҳимоялаш йўналишидаги фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қиладди. Айни пайтда тегишли вазирликлар, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳудудий идоралараро комиссияларининг одам савдосига қарши кураш борасидаги фаолиятларининг ҳар чорақдаги яқуни комиссия йиғилишларида қўриб чиқилди. Семинарда мазкур масалаларнинг тумандаги ижроси, амалга оширилаётган ишларга жиддий эътибор қаратилди.

ноят қайд этилмаган. Бу ижобий ҳолатни туманда одам савдосига қарши курашда турли идоралар вакилларининг маънавий-маърифий тадбирларини яхши йўлга қўйгани билан изоҳлаш мумкин. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги «Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори бу борадаги муаммолар ечимига сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Марказнинг 20 нафардан иборат тузилмаси ва уларнинг фаолият мезонини белгилловчи Низом одам савдоси жабрдийдаларини ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имкониятини янада кенгайтирди. Хусусан, Норин туманида аҳоли орасида олиб борилган кенг қамровли тушунтириш ишлари, тарғибот-ташвиқот тадбирлари туфайли мўмай пул ишлаш мақсадида хорижда бўлган, аммо алданган 554 нафар киши ўзларига маъқул бўлган ташкилотларга ишга жойлаштирилган. Жорий йилнинг ўзида туман бандликка қўмақлашши маркази ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида 29 марта меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, 12741 нафар фуқаро бандлиги таъминланган. Меҳнат ярмаркаларида асосий эътибор вақтинча ишсиз фуқаролар ва касб-хўна коллежлари битирувчиларини ишга жойлашга қаратилган. Улардан 7635 нафарини коллеж битирувчилари ташкил этганлигини таъкидлаш жоиз. Шу йилнинг 9 сентябрь куни ўтказилган меҳнат ярмаркасида эса 44 та ташкилот, корхона ва муассаса 455 та бўш иш ўрни билан иштирок этиб, 201 нафар коллеж битирувчилари ишга жойлаштирилган.

Саодат АБДУРАҲМОНОВ, «Adolat» мухбири

Имтиёзли кредит ёрдамида

янги иш ўринлари

МММда

Маълумки, жаҳонда юзага келган глобал иқтисодий инқироз бир қатор мамлакатлар иқтисодий, йирик трансмиллий компаниялар, молия институтлари фаолиятига жиддий зарба етказди. Оқибатда ишсизлар сони ошиб, аҳолининг даромадлари камайиб кетди. Айнан шундай шароитда Президентимиз раҳбарлигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури глобал инқироз таъсирини нафақат юмшатиш, балки миллий иқтисодиётимизнинг изчил ривожланишини таъминлаш ва барқарорлигини мустаҳкамлаш асоси бўлиб қолди.

Чунончи, ушбу дастур доирасида мамлакатимиздаги тижорат банклар иқтисодиётнинг базавий тармоқларида модернизация, техник ва технология қайта жиҳозлаш жараёнларини фаоллаштириш, сифатли, экспортбоп, рақобатбардор махсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхона, ташкилотларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг узлуксиз ва самарали ишлашини таъминлаш ва барқарор инвестицион муҳитни яратиш ишларини амалга ошириш учун кредит ресурсларини тезкор, муҳими имтиёзли асосда ажратиб бериши аҳамиятлидир. Шу билан бирга, тижорат банкларимизда дунё банк тажрибасида қўлланилмаган тажриба — зарар қўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш амалиёти қўлланилиши ўзини тўла оқлаётгани бугун эришилган натижаларда ўз тасдиғини топмоқда. Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Марказий банки томонидан ташкиллаштирилган «Инқирозга қарши чоралар. Тижорат банкларининг банкрот корхоналарни соғломлаштиришдаги ўрни»

мавзусидаги матбуот анжуманида қайд этилишича, 2013 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига қўра, тижорат банклари сарможалари ҳисобига 156 та банкрот корхонада ишлаб чиқариш фаолияти йўлга қўйилиб, уларда 25 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилган. Шу кунга қадар ушбу корхоналарнинг 122 таси стратегик инвесторларга сотилган. Фаолияти тикланган корхоналарда бугунга қадар 2,3 трлн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 631,9 млн. АҚШ доллари миқдоридagi sanoat махсулотлари яқин ва узоқ хориж мамлакатларига экспорт қилинган. — Кези келганда таъкидлаш лозимки, қайта тикланган корхоналарнинг муваффақиятли фаолият юритишида ҳукумат томонидан солиқ имтиёзларининг берилиши муҳим ўрин тутмоқда, — дейди Марказий банк Тижорат банкларининг инвестициялар фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш департаменти ихроци директори ўринбосари Зафар Азимов. — Тижорат банклари томонидан, шу жумладан, бошқа инвесторлар иштирокида янгидан ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлар давлат рўйхатидан

ўтган кундан бошлаб то стратегик инвесторга сотилгунга қадар у йил мобайнида мол-мулк солиғи, ягона солиқ, даромад ва ер солиқларидан озод этиладилар. Шу билан бирга, иқтисодий ночор корхоналар негизда ташкил этилган янги корхоналарнинг активларини самарали бошқариш учун етакчи тижорат банклари базасида ташкил топган «NBU Investment», «NBU Invest Group», «Asaka Investments», «Agroinvest Recovery» ҳамда «PSB Industrial Investments» сингари бошқарувчи компаниялар ва алоҳида таркибий бўлинмаларининг хизмати катта бўлмоқда. Улар ушбу жараёнда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бевосита бошқариш, маркетинг тадқиқотлари олиб бориш, гаров мулкидан самарали фойдаланиш, бизнес-режалар тузиш, лойиҳавий молиялаштириш ва инвестицион кредитлар ажратиш ва хизматлар кўрсатиш каби йўналишлар бўйича муҳим тажриба орттирдилар. Матбуот анжумани якунида тадбир ташкилотчилари оммавий ахборот воситалари ходимларини қизиқтирган саволларига атрафлича жавоб беришди.

Фахрийлар тиббий кўрикдан ўтказилди

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси тиббий-ижтимоий патронаж бригадалари республикаимиз миқёсида маҳалла ва қишлоқларда фуқароларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишга ўргатади. Уларга соғлом турмуш тарзи ва уни тўғри шакллантириш мавзуларида тиббий маслаҳатлар беришмоқда. Жумладан, 2013 йилнинг тўққиз ойи давомида республика тиббий-ижтимоий патронаж кўчма бригадалари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 851 та қишлоқ ва 2274 та маҳаллаларидаги 36 604 та оилаларнинг ижтимоий шароити, ундаги психологик муҳит ва болалар соғлиғи ўрганилди. Тиббий ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатлами ичида ёлғиз кексалар, ногиронлар, пенсионерлар алоҳида ўрин тутди. 2013 йилнинг тўққиз ойи давомида тиббий-ижтимоий патронаж билан 11191 нафар пенсионерлар камраб олинди. Ёлғиз қариялар, ногиронлар ва пенсионерлар замонавий тиббий асбоб-ускуналари ультра-товуш ва электрокардиография текширувлари ёрдамида тиббий кўрикдан ўтказилди. Ушбу ишларнинг давоми сифатида 3-4 октябрь кунлари жамғарма тиббий-ижтимоий марказида «Ариран» пансионати қариялари тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Тиббий кўрик «Соғлом авлод учун» жамғармаси тиббий-ижтимоий маркази шифокорлари томонидан амалга оширилди.

Сўранг, жавоб берамиз!

Наманган шаҳрида жойлашган уйимни Андижон шаҳридаги нотариал идорада олди-сотди қилсам бўладими? **М.Қурбанов, Андижон шаҳри**

Йўқ, квартира, уй ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш бўйича битимлар мулк жойлашган ҳудуддаги нотариал идорада тасдиқланади.

Эҳтиёждан ташқари фойдаланилмай турган уйимни гаровга қўйиб, банкдан кредит олган эдим. Ҳозирда ушбу гаровдаги уйимни сотиб, бошқа уй олишим мумкинми? **М.Рўзиёв, Асака тумани**

Тақиқ ва хатлов мавжуд бўлган уй, квартира, уй ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш бўйича битим фақат кредитор билан олувчи шахс қарзни олувчининг ҳисобига ўтказишга рози бўлган тақдирда тасдиқланиши мумкин.

Отам вафот этишидан олдин нотариал тартибда менга уйни ҳадя қилиб қолдирган. Ушбу уйни сотиш ёки олмаштириш учун хотинимнинг розилиги керакми? **А.Арслонов, Марҳамат тумани**

Никоҳ қайд этилгунга қадар сотиб олинган, мерос тариқасида ёки ҳадя шартномаси бўйича олинган, шунингдек, никоҳ давомида сотиб олинган уй, квартира, уй ёки квартиранинг бир қисми никоҳ шартномасига асосан тақсимлаб олинган бўлса ёки эр-хотин ўртасидаги мулкни бўлиш тўғрисидаги суд ҳужжати ёхуд нотариал тартибда расмийлаштирилган келишув мавжуд бўлса, уй, квартира, уй ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш бўйича битимни тасдиқлаш учун эр ёки хотиннинг розилиги талаб қилинмайди.

www.dtm.uz сайтида

натижалар билан танишиш имконияти

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ташаббуси билан Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот анжумани «Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялаш бўйича эксперт комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасаларига 2013-2014 ўқув йили учун ўтказилган тест синовлари натижалари ақунлари» мавзусига бағишланди.

ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари» соҳалари бўйича эксперт комиссиялари тузилган. — Эксперт комиссиялари таркиби Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда қабул қилинган қўшма қарорлар билан тасдиқланган, — дейди ДТМ директори Баҳромжон Исмоилов. — Шу кунга қадар нострификациялаш бўйича 23158 нафар фуқародан мурожаат келиб тушган ва тегишли хулосалар қабул қилинган. Тадбирда республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда тест синовларини ташкил қилиш ва ўтказишдек яна бир асосий вазифани бажарувчи Давлат тест маркази 2013-2014 ўқув йили учун ўтказилган тест синовлари натижалари билан ўртоқлашилди.

Таъкидланишича, бу йил олий таълим муассасаларига кириш учун 480407 нафар абитуриент ариза топширган, республика бўйича ўртача танлов бир ўринга 8,5 ни ташкил этди. 2013-2014 ўқув йили учун тасдиқланган қабул квотасига мувофиқ бақаларлар тайёрлаш бўйича кундузги бўлимларга умумий қабул квотаси 56607 нафар, махсус сиртки бўлимларга умумий қабул квотаси 115 нафар, жами 56722 нафар миқдориди белгиланган. Давлат тест маркази фаолияти, абитуриентларнинг натижаларига оид барча маълумотлар ҳақида ташкилотнинг www.dtm.uz сайти орқали танишиш имконияти мавжудлиги қайд этилди.

Маълумки, хорижий давлатларда таҳсил олиб қайтган ҳар бир битирувчи-юртдошимиз мамлакатимиздаги меҳнат фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сонли қарори билан тасдиқланган «Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини

қайд этиш) тартиби тўғрисидаги Низом» талаблари асосида бошлаши белгиланган. Ушбу жараёни тартибга солиш мақсадида Давлат тест марказида малакали мутахассислардан иборат 5 та йўналиш — «Ҳуқуқшунослик», «Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот», «Иқтисодиёт», «Ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогик фанлар ва қишлоқ хўжалиги, муҳандислик,

Саодат ЖАББОРОВА

Фархунда ХОЛМЕНОВА

Саволларга Жалақудуқ туман 2-сонли ДНИ нотариуси А.АМИНОВ жавоб берди.

Мақсад — чуқур билим ва юксак салоҳиятли авлод тарбияси

Мақтабга эътибор — келажакка эътибор

Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани ҳар биримизга фахр бағишлайди. Зеро, бугун чуқур билим ва юксак салоҳиятга эга бўлган ёшлар жамиятимизнинг эртанги ёрқин тараққиётини белгилаб беради. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастури соҳада муҳим дастуриламал вазифасини ўтаб, юртимизда таълим тизимини замон талаблари даражасида ривожлантириш имкониятини яратиб бермоқда.

Истиқлол йилларида таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилган кенг қўламли ишлар бугун ўз самарасини кўрсатаётганига ҳамма-миз гувоҳимиз. Билимли, интилувчан, изланувчан ёшларимиз нуфузли халқаро фан олимпиадалари ва кўрик-танловларда ҳам ўз сўзини айта олишяпти.

Ўтган қисқа вақт ичида соҳада тўпналган бий тажрибамиз дунёда «Ўзбек модели» сифатида эътироф этилмоқда.

Хусусан, тизимда 12 йиллик мажбурий таълимнинг жорий қилиниши, унинг давлат томонидан бепуллик кафолатлангани ҳақонда кам учрайдиган тажриба.

Қолаверса, амалга оширилган ислохотлар соҳада ҳар томонлама муқаммал, сифат ва самарадорлиги юқори, бири-бири билан узвий боғлиқ, уч босқичли таълим тизимини яратишга асос солди.

Таълимнинг кўйи босқичи — умумий ўрта таълим мактабларида болаларнинг муайян билим ва кўникмага эгалиги, характери, дунёқарши шаклланиши ва аниқ касбга йўналтирилгани таълимнинг кейинги босқичи — ўрта махсус, касб-ўналар таълими муассасаларида ўқувчиларнинг ўз қобилият ва имкониятини намоён этишига, ихтисос ва мутахассисликни тўғри танлаган ҳолда ўқиниш давом эттиришига мантиқий замин яратди.

Таълим тизимидаги барча саноат-ҳаракатлар замирида бир-

гина мақсад — соҳада сифат ва самарадорликка эришиш, баркамол инсонни тарбиялаш вазифалари туради.

Бугун бошқармаимизга қарашли жами 954 та таълим муассасаларида ёш авлодга замон талаблари даражасида билим ва тарбия бериш учун етарли шарт-шароитлар яратиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Ўқув муассасаларида таълимнинг жисмоний тарбия ва спорт билан ўзаро уйғунлашуви ҳам ижобий самара бериши кузатилади. Қолаверса, спорт билан мунтазам шуғулланиш ёш авлоднинг жисмонан соғлом бўлишига хизмат қилади.

Шу мақсадда 2003-2012 йиллар давомида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан вилоятда 79 та спорт иншоотлари қуриб фойдаланишга топширилди. Мазкур иншоотларда 15200 нафар ёшлар спортнинг 18 тури бўйича ташкил этилган тўғаракларга қатнашади. Айни пайтда вилоятда спорт билан мунтазам шуғулланадиган ёшлар сони 137736 нафарни ташкил этади.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2003 йилда вилоятдаги жами мактаб ўқувчиларининг атиги 13,5 фоизи спорт машғулотларига жалб этилган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 40,1 фоизни ташкил этади. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари сони 17 тага кўпайди. Уларнинг 12 таси олимпия захиралари спорт мак-



Т.ИСТАТОВ (ЎМ)

таби ҳисобланади. Олимпия спорт турларини ривожлантириш мақсадида 8 та махсус мактаб интернатлари фаолият кўрсатади. Мактаб ўқувчиларини оммавий равишда спорт билан шуғулланишга жалб қилиш бўйича олиб борилган ишлар натижасида бир кунда битта спорт иншоотидан фойдаланиш вақти 9,4 соатга ўсди.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳам баркамол авлод тарбияси йўлида яна бир муҳим қадам бўлди. Таълим муассасаларида чет тилларнинг чуқур ўқитилиши ёш авлод камолоти йўлида нақадар катта ўрин тутишини изоҳлашга ҳолат бўлмаса керак. Мазкур қарорнинг ихросини таъминлаш борасида ҳам вилоятдаги таълим муассасаларида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоятимиздаги таълим муассасалари чет тили фанлари ўқитувчилари, давлат таълим стандартлари асосидаги ўқув дастурлари ҳамда бошқа замонавий воситалар, методик қўлланмалар билан тўлиқ таъминланган. 2013 йилда 1719 нафар чет тили фани ўқитувчи-

ларнинг 1608 нафари малака ошириш курсларида, 10 нафари эса Тошкент давлат жаҳон тиллари университетини даъво қилиш ва тажрибаларини оширишга юборилган. Айни кунда ўқув жараёнида компьютер, мультимедиа, DVD воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларнинг ёшга мос тарзда ўйин методлари, янги дидактик материаллар, кўргазмалар қўлдан олиб борилмоқда.

Тан олиш керак, бундан 10-15 йил олдинги мактаб билан бугунги илм даргоҳларини қиёслаб бўлмайди. Ёшларимизнинг билим ва дунёқаршидаги ўзгаришлар хусусида ҳам шуларни айтиш мумкин. Айниқса, замонавий таълим стандартлари ўқувчиларга чуқур таълим бериш, уларнинг қобилият ва иқтидорини аниқлаш ҳамда ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Маълумки, ҳар йили таълим муассасаларининг рейтингини аниқлаш мақсадида ўқувчилар ўртасида фанлар бўйича «Билимлар беллашуви» танлови ўтказилади. Мана икки йилдирки, вилоятимиз ўқувчилари тадбирнинг республика босқичида етакчиликни қўлдан беришмаяпти.

«Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг якуний

босқичида қатнашган 5 нафар фан ўқитувчиларимиз фахрли ўринларга эга бўлишди ҳамда уларнинг тажрибалари республика мактабларида оммалаштирилди.

Вилоятдаги «Баркамол авлод» болалар марказлари жамоалари ҳам республика миқёсида ўтказилаётган «Конституциямиз — гуруримиз, ифтихоримиз», «Баркамол авлод — келажак пойдевори», «Ёш эколог» каби бир қатор тадбирларда муносиб иштирок этиб келишмоқда. Бу каби мисолларни кўпайта келтириш мумкин.


Хулоса ўрнида айтадиган бўлсам, баркамол авлод тарбияси — таълим тизимидаги устоз ва мураббийлар зиммасидаги муваффақиятли вазифа. Соҳада кўлга киритилаётган ҳар бир ютуқ замирида уларнинг меҳнати мужассам. Ўқитувчилик эса шарафли ва машаққатли касб. Шу касбга чин кўнгилдан меҳр қўйган инсондан фаолият давомида тинимсиз ишлаш, изланиш, билим ва малакасини бойитиб бориш талаб этилади.

Ўлмас ҚОРАЕВ,
Бухоро вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғи

Турфа олам Бунақаси бўлмаган

АҚШда 17 йилдан бери бундай воқеа юз бермаган: федерал ҳукуматнинг катта қисми ёпиқ. Бундай ҳодиса сўнгги бор демократ Билл Клинтон президентлиги даврида рўй берган, ўшанда муаммо партияларнинг муросяга эришиши билан бартараф бўлган.

Конгресснинг ҳар иккала палатаси ҳам янги молиявий йил учун зарур бўлган қонунни тасдиқлай олмади. Молиявий йил эса 1 октябрдан бошланади. Шундай экан, маблағсиз қолган ҳукумат ишни тўхтатишга мажбур. Бир миллионга яқин хизматчи мажбурий, бепул таътилда. Энг зарур деб ҳисобланган соҳа ва идораларда чекланган қўламда иш давом этмоқда. Лекин бу меҳнат-кашларнинг ойлиги қачон тўланади, бу ҳам бюджет қабул қилиниши ёки қилинмаслигига боғлиқ. Қонун Конгрессдан ўтганининг асосий сабаби — республикачилар демократ президент уч ярим йил олдин имзо чекиб, бугундан амалга кирган ислохот дастурининг бекор қилинишини талаб қилмоқда. Демократлар эса бунинг аксини айтиб, қонуннинг бирор банди ҳам бекор қилинмайди, деб туриб олган.



Янги ЭИЗ синовда


Хитой ҳукумати Шанхайда янги эркин савдо ҳудудини барпо этди. У ерда очикроқ ва эркинроқ иқтисодий фаолиятга руҳсат берилди, деган таҳминлар бор.



Шанхай эркин савдо зонаси — ўзига хос эксперимент. Молиявий-иқтисодий ислохотлар бу ерда синаб кўрилади. Давлат назорат қиладиган 18 та саноат, жумладан, кemasозлик ва муҳандислик соҳаларига хорижий сармоя жалб қилинади. Чет эллик инвесторлар бу ерда ўз бизнесини юритиши мумкин. Шанхай лойиҳаси муваффақиятли бўлса, кейинчалик бутун мамлакат бўйлаб татбиқ этилиши мумкин. Унинг қанчалик самарали бўлишига қараб, келажак мақсадлар белгилаб олинади.

«Яшил энергия»га ўтмоқда

Энергия истеъмоли ва импорти бўйича дунёда биринчилардан бўлган Жанубий Кореяда ҳукумат янги атом станцияларини қуришни режалаштирмоқда.



Айрим шахарлар, хусусан, пойтахт Сеулда эса расмийлар «яшил энергия», яъни табиат учун безарар ва қайта тикланадиган муқобил энергия манбаларини ривожлантириш керак, деб ҳисобламоқдалар. Сеул шахар ҳокимиётининг қайта таъмирланган биноси бундан буён «яшил энергия»дан фойдаланади. Томида 1000 дан ортиқ қуёш батареялари ўрнатилган мослама бутун бинони электр токи ва иссиқ сув билан таъминлайди. Жанубий Корея ҳудудида табиий манбалар чекланган. Жаҳон банки маълумотларига кўра, мамлакат истеъмол қиладиган энергиянинг 82 фоизи, асосан кўмир ва нефть хориждан сотиб олинади. Сеулдаги Осиё сиёсий тадқиқотлар институтининг энергетика масалалари бўйича мутахассиси Пак Жи Ян бундай тобелики «яшил энергия»ни ривожлантириш орқалигина қамайтириш мумкин, дейди.

Партиядошларимиз ижодидан

Устозлар

Ассалом устозлар, боғу бўстонлар, Бутун сизга битдик шеър дostonлар, Сизда дунёдаги меҳр-муҳаббат, Тафаккур, шижоат, илм-маърифат. Сиз туфайли Берунийлар Денгиз ортин кашф этган. Навоийдек боболарим Газаал-дostonлар биттган. «Устоз отангдек уду», деб Бобокалонлар ўтган. Сизга атаб шоғирдлар Минг бир тахсинлар айтган. Юрагимиз тўри сизларга, Қалбимизнинг кўри сизларга, Тиллақларнинг зўри сизларга, Таъғимдамиз бутун, устозлар!

Зарина БАРАТОВА

Спорт иншоотлари — ўқувчиларга

Президентимиз раҳнамолигида жойларда барпо этилаётган замонавий спорт иншоотлари, мусика ва санъат мактаблари фарзандларимизнинг ҳеч қимдан кам бўлмасдан вояга етишига хизмат қилмоқда. Жорий йилда Сирдарё вилоятида тўққизта спорт мажмуаси фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Айни пайтда ушбу объектларнинг аксариятида қурилиш-таъмирлаш ишлари якуний босқичга кирди. Оқолтин туманидаги 6-, Боевут туманидаги 38-умумтаълим мактабларининг спорт залларида қурилиш ишлари ниятига етказилди. Яқин кунларда бу масканлар ёшлар билан гавжум бўлади. — Ушбу спорт залларини барпо этишга 522 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Сирдарё вилояти филиали директори вазифасини бажарувчи Муҳаммаджон Юнусов. — Барча замонавий талабларга жавоб берадиган ушбу спорт залларида мини футбол, баскетбол, волейбол, енгил атлетика, гимнастика бўйича машғулотлар ўтказиш имконияти мавжуд. Қизлар ва ўғил болалар учун алоҳида кийиниш, ювениш хоналари ҳисобга олинган. Ил охиригача Сирдарё, Оқолтин, Сайхунбод туманларида мусика ва санъат, Янгиер ва Ширин шахарларида болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

А.МУСТАФОҚУЛОВ,
ЎЗА мухбири

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банк (ОАЖ)

қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

миллий валютада

«МУСТАҚИЛЛИК 2013» Омонатнинг сақланиш муددати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муددати тугагандан сўнг берилади	«ФАРОВОН ТУРМУШ» Омонатнинг сақланиш муددати 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муددати тугагандан сўнг берилади
--	--

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиб мумкин.
Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ)
Филиаллари телефонлари:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтириқ филиали	373	432-10-11
Кўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

«Асака» банк — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!
Хизматлар лицензияланган

ADOLAT

ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Тахрир ҳайъати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қолдир ЖУРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Топишбай МАТИБАЕВ, Алишер МУМИНОВ.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували САЙБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Ахборот, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (146); Маънавий ва маданият бўлими 288-46-64 (151); Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс; Котибият — 288-46-64 (144).

Навбатчи муҳаррир — Қ.Қўлдошев. Навбатчи — И.Сахатов

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Тахрират манзили: 100043,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани
«Шарк тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolat.uz
adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

НАШР КўРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2093-5217

4772093521009

«Шарк» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 1000. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 7050. Босишга топшириш вақти — 20.40. Босишга топширилди — 00.10 1 2 3 5

Газетанинг навбатдаги сони 2013 йил 18 октябрда чиқади.